

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ”
йўналиши
“МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ТАҲЛИЛИ ”
модули бўйича**

**ЎҚУВ –УСЛУБИЙ
МАЖМУА**

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: ТДИУ, иқтисод фанлари доктори, профессор, Хасанов Б.А.

Тақризчи: ТДИУ “Иқтисодий таҳлил ва аудит” кафедраси мудири и.ф.н. доцент Мукумов З.А.

ТТЙМИ “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент Джуманова А.Б.

Банк-молия академияси доценти, и.ф.н Усанов А.

Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 201__ йил _____ даги __-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.	9
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	20
IV. АМАЛИЙ МАШғУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	518
V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ . Ошибка! Закладка не определена.	7
VI. ГЛОССАРИЙ	620
VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	78

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Мазкур ишчи дастур иқтисодиёт соҳаси қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари учун хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 июндаги “Олий таълим муассасаларининг янги 2017-2018 ўқув йилига тайёргарлик вазифалари тўғрисида”ги 4/2-сонли қарори билан белгиланган ўқув режа ва дастурга мувофиқ шакллантирилган.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”нинг 4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш бандида “...таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш”¹ вазифаси белгиланганлигидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни иқтисодиётнинг тараққиёти борасидаги билимларни такомиллаштириш, иқтисодиётни модернизациялаш ва янада ривожланиши муаммоларини аниқлаш, уларни ўрганиш, таҳлил этиш ва баҳолаш, кадрларни бошқариш, фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ушбу дастурда хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларига асосланган ҳолда, корхона ва ташкилотларни фаолиятини ривожланишига қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш, молиявий ҳисобот таҳлили иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш, Ўзбекистонда

¹ 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-ИЛОВА.

модернизациялаш тизими ning амал қилиши муаммолари, тегишли чоратадбирлар белгилаш борасидаги вазифалар баён этилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Молиявий ҳисобот таҳлили» модулининг **мақсади** бошқарув, молиявий ва инвестицион қарорлар қабул қилиш учун хўжалик субъектларида ресурслардан фойдаланиш ҳолатини, фаолият самарадорлигини, молиявий ҳолатини ҳамда уларнинг ўзгаришларини, ўзгаришларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, ҳисоб-китоб қилиш, баҳолаш йўлларини ўргатишдан иборат.

Молиявий ҳисобот таҳлили» модулининг вазифалари:

Молиявий ҳисобот таҳлили» модулининг вазифаси хўжалик субъектларининг моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳолатига, уларнинг ишлаб чиқариш – тижорат ва молия фаолияти самарадорлигига, субъектларнинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятига, уларнинг бошқарув самарадорлигига объектив баҳо бериш, фаолиятнинг кучли жиҳатлари ва заиф томонларини аниқлаш асосида активларнинг бугунги ва келажакдаги қийматини оширишда аниқ бошқарув қарорларини тайёрлаш юзасидан замонавий билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникма, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Молиявий ҳисобот таҳлили» модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- молиявий ҳисобот таҳлили борасида мавжуд ҳолат ва юзага келадиган муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш йўлларини билиши борасида **билимларига эга бўлиши**;

Тингловчи:

- иқтисодиётнинг модернизациялаш ва янада ривожлантириш жараёnlарини таҳлил қилиш, тенденцияларни баҳолаш **кўникма ва малакаларини эгаллаши**;

Тингловчи:

- замонавий билимларни қўллаш орқали муаммолар ечимини топиш, уларни бартараф этиш ва қарорлар қабул қилиш борасида **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Молиявий ҳисобот таҳлили» модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммункация технологияларини қўллаш назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида “Ақлий ҳужум”, “Кутиш йўлдоши”, “Концептуал жадвал”, “Ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг” каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;
- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, ақлий ҳужум, кейс, гурухларда ишлаш, SWOT-таҳлил жадвал, Т-жадвал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Макроиктисодий сиёsat ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш стратегиялари”, “Амалий эконометрика” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг касбий тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар иқтисодиётнинг модернизациялаш ва янада ривожлантириш муаммоларини аниқлаш, уларни таҳлил этиш, баҳолаш ва ечимини топишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				
			Жами	жумладан			
				Назарий машғулот	Амалий машғулот		Кўчма машғулот
1.	Иқтисодиётни модернизациялаш ва янада ривожлантириш шароитида молиявий ҳисбот таҳлилини ташкил этишнинг концептуал асослари ва халқаро тажрибаси (компеляция,трансформация,консолидация).	2	2	2	-	-	-
2.	Бухгалтерия баланси ва унинг таркибий тузилиши. Бухгалтерия баланси активи ва пассиви таҳлилининг хусусиятлари.	4	4	-	2	-	-
3.	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот таҳлили	4	4	2	2	2	2
4.	Хўжалик юритувчи субъектларда пул оқимларининг таҳлили.	2	2	-	2	-	-
5.	Хусусий капитал ва унинг ўзгаришини таҳлили. Хусусий капитал даромадлиги (рентабеллиги)нинг таҳлили.	2	2	-	2	-	-
	Жами:	14	14	4	8	2	

II. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Иқтисодиётни модернизациялаш ва янада ривожлантириш шароитида молиявий ҳисбот таҳлилини ташкил этишнинг концептуал асослари ва халқаро тажрибаси (компеляция,трансформация,консолидация) .

Молиявий ҳисбот таҳлилини ташкил этишнинг концептуал асослари ва халқаро тажрибаси (компеляция,трансформация,консолидация). Молиявий ҳисбот шакллари ва уларнинг тавсифи. Консолидациялашган молиявий ҳисбот, уни тузиш ва таҳлил этиш усуллари.

III. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот.

Бухгалтерия баланси ва унинг таркибий тузилиши. Бухгалтерия баланси активи ва пассиви таҳлилиниң хусусиятлари.

Бухгалтерия балансининг ликвидлилиги ва корхонанинг тўловга лаёқатининг таҳлили. Корхоналар иқтисодий ва молиявий салоҳияти: таркиби, кўрсаткичлар тизими ва самарадорлигини таҳлили.

2-амалий машғулот.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот таҳлили

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ва умумхўжалик фаолиятидан олинган даромадлари таҳлили. Маҳсулот сотишдан қўрилган ялпи фойда ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили. Молиявий фаолиятнинг фойдаси (зарари)ни баҳолаш ва таҳлил қилиш. Фавқулодда фойда ва заарлар таҳлили

Бюджетга тўловлар ва ажратмаларнинг таҳлили. Соф фойда ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили.

3-амалий машғулот.

Хўжалик юритувчи субъектларда пул оқимларининг таҳлили.

Пул оқими тўғрисидаги ҳисоботнинг тузилиши ва асосий элементлари.

Асосий фаолиятдаги пул оқимлари таҳлили. Молиявий ва инвестицион фаолиятдан пул оқимлари таҳлили. Пул оқимларини таҳлил қилишнинг тўғри ва эгри услуби.

4-амалий машғулот

Хусусий капитал ва унинг ўзгаришини таҳлили.

Хусусий капиталнинг таркибий тузилиши: устав капитали, қўшилган капитал, захира капитали ва тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар). Хусусий капитал ва унинг ўзгаришининг таҳлили. Хусусий капитал даромадлиги (рентабеллиги)нинг таҳлили. Молиявий левериж кўрсаткичларини таҳлили.

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий услублари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш кўзда тутилган. Тақдимот материаллар, замонавий интерфаол усувлар, электрон дарсликлар ва кўргазмали плакатлардан фойдаланилади.

Кўчма машғулотни ташкил этиш шакли ва мазмуни

Кўчма машғулотни тегишли ўқув модули бўйича олинган назарий ва амалий билимлар асосида Тошкент шаҳар ва вилоят хокимликларининг Иқтисодиёт бош бошқармаларида ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарида олиб борилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиҳа иши) ни тайёрлайдилар.

Кўчма машғулотда ҳар бир тингловчи битирув иши мавзусидан келиб чиқсан ҳолда ўзларининг хулоса ва таклифларини ёритадилар.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини хисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

Тингловчи мустақил ишини ташкил этишда қуидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- берилган мавзулар бўйича ахборот (реферат, тақдимот) тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда кўллаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича фаннинг бўлим ёки мавзулари устида ишлаш;
- талабаларнинг ўқув-илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фаннинг бўлим ва мавзуларини чукур ўрганиш;
- кейс-стадилар ва ўқув лойиҳаларини мустақил бажара олиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотларини ўзлаштириш;
- илмий мақола, тезислар, турли илмий анжуманларга маъруза тайёрлаш ва х.к.

“Амалий эконометрика” модулидан тингловчиларнинг мустақил ишларини реферат, семинар, доклад тайёрлаш, Президент асарларини конспектлаштириш ва бошқа шаклларда ташкил этилиши тавсия этилади. Мустақил иш мавзуларини белгилашда маъруза ва семинар машғулотлари мавзулари ҳамда курс ишларини тўлдиришга ҳаракат қилиниши лозим.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- **давра сұхбатлари** (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуласалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

- Кенг кўламли сұхбат. Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига тингловчиларни тайёргарлигини назарда тутади. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гурухга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар; сўзга чиқувчи тингловчиларни қучли ва қучсиз томонларига диққатларини қарат олиши; иш жараёнида очиб берилаётган, янги қирраларни ўша вақтнинг ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик тингловчиларнинг саволларини муҳокама қилишга жалб қилиш имконини беради.

- Пресс-конференция. Қисқа сўзга чиқишдан сўнг, биринчи савол бўйича маъruzачига (агарда маъruzалар бир қатор тингловчиларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг, ҳар бир тингловчи маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим.

- Кейсларни (муаммоли вазиятларни) ечиш. Муаммоли вазиятларни ҳал этиш натижасида ҳосил бўлган, мустақил излаб топилган далиллар, касбий аҳамиятли йўналишларни излашга ва тасдиқлашга, келгусидаги касбий фаолияти билан боғлиқлигини англаб этишга ёрдам берад

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

1. Маъруза машғулотларнинг ташкил этишнинг асосий шакллари

Маърузани асосий белгиланиши – ўқитишни назарий асосини таъминлаб бериш, ўқув фаолиятга ва аниқ ўқув фанга қизиқиши ривожлантириш, курсантларга ўқув курси устидан мустақил ишлаш учун ориентирларни шакллантириш.

Маъруза материалларининг мазмуни ва ҳажсига талаблар

Маъруза материалларининг *мазмуни* қуидаги мезонларга жавоб берини лозим:

- янгилик, илмийлик, асослилик ва ахборот учун белгиланганлик;
- аниқ, ишончли мисол, факт, асоснома ва илмий далилларнинг мавжудлиги;
- фактга асосланган (статистик ва ҳ.к.) материалларни қўп эмаслиги.

Маъруза материалларининг *ҳажси* режалаштирилган мавзуни ёритиш учун етарли бўлиши керак.

Маърузалар турлари ва уларга хос хусусиятлар

Ўқув машғулотнинг мақсади	Маъруза тури, унинг ўзига хос хусусиятлари
<i>Кириши маърузаси</i>	
Фан доирасида ўқув ахборотини ўзлаштириш бўйича талabalар харакатининг йўналтирувчи асосини таъминлаш.	Таълим берини тузилишида мотивацион босқич ҳисобланади. Унинг вазифаси – ўқув фани мазмуни, унинг ўқув жараёнидаги ўрни ва келгусидаги тезкор-хизмат фаолиятдаги ахамияти тўғрисида дастлабки тасаввурларни берини, талabalарни ишлаш тизимида йўналтириш, олдинда турган мустақил ишнинг услубиёти ва ташкиллаштирилиши билан таништириш, ҳисбот берин вақти ва баҳолашни аниқлаштириш.

Ўқув мақсади	Маъруза тури, унинг ўзига хос хусусиятлари
Ахборотли маъруза	
Ўқув мавзу бўйича тасаввурни шакллантириш	Бу анъанавий маъруза тури: маъруза режасига мувофик ўқув материалини монологик тарзда изчилликда баён этиш.
Муаммоли маъруза	
Муаммони белгилаш ва уни ечимини топишни ташкиллаштириш/анъанавий ва замонавий нуқтаи назарларни жамлаш ва таҳлил қилиш ва в.х. орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш.	Янги билимлар савол/вазифа/вазиятларнинг муаммолиги орқали киритилади. Бу жараёнда талабаларнинг билиши ўқитувчи билан ҳамкорлигига ва диалогига асосланади, ҳамда изланувчилик фаолиятига яқинлашади.
Кўргазма маъруза	
ЎТВдан кенг фойдаланиш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш.	Бундай маърузани ўқиши, кўриб чиқилаётган кўргазмали материалларни очиб беришга ва қисқача шарҳлашга олиб келади.
Бинар маъруза	
Талабаларга мунозара маданиятини, муаммони ҳамкорликда ечишни намойиш этиш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш.	Бундай маърузани ўқиши икки ўқитувчи/2-мактабнинг илмий вакиллари/олим ва амалиётчи/ўқитувчи ва талабаларнинг диалогини ўзида намоён этади.
Анжуман-маъруза	
Ўқув ахборотни излаш, танлаш ва баён этиш жараёнида талабаларнинг фаол иштирокларида ёритиб бериш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш.	Олдиндан белгиланган муаммо ва уни ҳар томонлама ёритиб бериш назарда тутилган маърузалар тизими (5-10 дақ. давомийлигидан) билан, илмий-амалий машғулот кўринишида ўтказилади. Машғулот якунида ўқитувчи мустақил иш ва сўзга чиқишиларга якун ясади, ахборотни тўлдиради/аниқлик киритади, асосий хулосаларни ифодалайди.
Умумлаштирувчи маъруза	

Ўқув мақсади	Маъруза тури, унинг ўзига хос хусусиятлари
Билимларни батафсил ёритиш ва аниқлаштиришларсиз тизимлаштириш.	Маърузада баён этилаётган назарий ҳолатларнинг негизини курснинг ёки катта бўлимларнинг илмий-тушунчали ва концептуал асоси ташкил этади.
Маслаҳатли-маъруза	
Билимларни чуқурлаштириш, тизимлаштириш.	<p>Турлича сценарий бўйича ўтиши мумкин.</p> <ol style="list-style-type: none"> “Савол-жавоблар”- ўқитувчи бўлим ёки тўлиқ курс бўйича талабалар саволларига жавоб беради. “Савол-жавоблар-мунозаралар”: ўқитувчи нафақат саволларга жавоб беради, балки жавобларни излашни ҳам ташкиллаштиради.
Якуний маъруза	
Билимларни батафсил ёритиш ва аниқлаштиришларсиз тизимлаштириш.	Курсни ўрганишни якунлайди, бутун давр мобайнида ўтилганларни умумлаштиради. Якуний маърузада ўқитувчи курснинг асосий ғояларини ажратади, келгусидаги тезкорхизмат фаолиятда ва бошқа фанларни ўрганишда олган билимларни қандай қўллаш йўлларини кўрсатади, фан бўйича якуний назорат хусусиятини тушунтиради, якуний назорат варианtlарининг муракаб саволларини тушунтиради.

2. Амалий машғулотларни ташкил этишининг асосий шакллари

Амалий машғулот:

- назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун шароитни таъминловчи,
- олинган билимларни амалий фойдаланиш имкониятларини муҳокама қилишга мўлжалланган машғулотнинг ўқитиши шакли.

Амалий машғулотнинг мазмунига қўйиладиган талаблар

- муҳокамага мунозарали саволлар олиб чиқилади;

- муҳокама қилинувчи саволлар илм-фаннынг эришган замонавий ютуқлари томони билан кўриб чиқилади;
- назария ва амалиётни узвий бирлиги очиб берилади;
- кўриб чиқилаётган материал адабиётда мавжуд эмас ёки материал, қисман баён этилган.

3. Маъруза ва амалий машғулотларда қўлланиладиган педагогик технологиялар

АҚЛИЙ ҲУЖУМ МЕТОДИ

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтиришда қўлланиладиган метод.

❖Метод чегараланган вақт оралиғи ичидаги аниқ муаммо (савол, масала)ни ечишнинг ноанъанавий йўлларини излаш бўйича ўқувчиларни ақлий фаолиятини йўналтиришга асосланган.

❖Ўқув машғулотидаги ақлий ҳужум учун муаммони танлаш қўйидаги тамойиллар бўйича амалга оширилади:

- танланган муаммо назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиши ҳамда ўқувчиларда фаол қизиқиш уйғотиши керак;
- кўп ҳар хил маънодаги ечим варианtlарига эга бўлиши керак.

Ўқитиши технологиясини ишлаб чиқишида ақлий ҳужум методи ўқув машғулотининг бир лавҳаси ёки бутун машғулотни ўтказиш асоси сифатида режалаштирилган бўлиши мумкин.

Ақлий ҳужум методининг технологик чизмаси 1-расмда келтирилган.



Ақлий ҳужум методининг технологик чизмаси

ИНСЕРТ ТЕХНИКАСИ ИНСЕРТ (инглизча сўздан олинган бўлиб - **INSERT** – Interactive- интерфаол Noting – белгилаш System - тизим for-учун Effective – самарали Reading – ўқиш and- ва Thinking – фикрлаш деган маънони англатади).

1) Самарали ўқиш ва фикрлаш учун матнда белгилар қўйишининг интерфаол тизими ҳисобланади.

Матнни белгилаш тизими:

- (✓) - менинг билганимни тасдиқловчи ахборот;
- (+) –мен учун янги ахборот;
- (–) - меннинг билганларимга, зид ахборот;
- (?) - мени ўйлантириб қўйди. Бу бўйича менга қўшимча ахборот керак.

ПИНБОРД ТЕХНИКАСИ

Пинборд –(инглизчадан: *pin*- маҳкамлаш, *board* – ёзув тахтаси) – ўқувчиларни тизимли ва мантиқий фикр билдиришга ўргатадиган метод.

Пинборд техникаси:

1) муаммоли масалалар ва вазиятлар, ақлий ҳужум ва амалий ўқитиш методлари билан бирга жамоавий тарзда (гурухларда) муаммони ечиш варианларини баҳолаш ҳамда улар ичидан энг яхшисини танлаш имконини беради;

2) ақлий ҳужум ва амалий ўқитиш методлари билан бирга жамоавий тарзда (гурухларда) тоифали шарҳ ўтказиш имконини беради.

Пинборд техникасининг технологик чизмаси

КЕЙС-СТАДИ МЕТОДИ

КЕЙС – (ингл. case – тўплам, аниқ вазият) – назарий билимларни амалий вазифаларни ечиш жараёнида қўллаш имконини берувчи ўқитиш воситаси.

Кейсда баён қилинган вазиятни ўрганиб ва таҳлил қилиб, ўқувчилар ўзининг келгусидаги касбий фаолиятида ўхшаш вазиятларда қўллаши мумкин бўлган тайёр ечимни олади.

Кейсда баён қилинган вазиятлар (касбий), амалий машғулотларда ечиладиган вазиятли масалалардан тубдан фарқ қилинади. Агар вазиятли масалаларда ҳар доим шарт (нима берилаган) ва талаб (нимани топиш керак) берилган бўлса, кейсда, қоидага кўра, бундай параметрлар мавжуд эмас.

Ўқувчига тақдим этилган ихтиёрий кейсда:

- кейснинг белгиланиши ва топширик/саволлар аниқ ифодаланган бўлиши керак;
- баён қилинган муаммоли вазиятни ечиш учун керакли ва етарли хажмда маълумотларни ўз ичига олиши керак
- кейсни ечиш учун *услубий кўрсатмалар* бўлиши керак.

Кейс–стади (ингл.case – тўплам, аниқ вазият, стади-ўқитиш) – амалий ўқитиш вазиятларметоди.

Кейс-стади - ўқитиш, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейс-стадида баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишини воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуудан иборат бўлган ўқитиш технологиясидир.

Ушбу метод ўқувчиларни қуидагиларга ундейди:

- муаммони шакллантиришга;
- амалий вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолашга;
- муаммо ечимини энг мақбул вариантини танлашга.

Ўқув машғулотнинг ўқитиш технологиясини танлашни икки асосий далил белгилайди:

1. Кейснинг ҳажми (қисқа, ўртача микдордаги, катта)
2. Ўқув топширигини тақдим этиш усули:
 - саволли (саволлар кейсдан кейин келтирилади)
 - топширикли (топширик кейс кириш қисмининг охирида келтирилади)

ЎҚУВ ЛОЙИХА МЕТОДИ

Ушбу методнинг моҳияти шундан иборатки, маълум муддат ичидаги (битта ўқув машғулот доирасидан 2-3 ой муддат ичидаги) таълим олувчи гуруҳли ёки якка тартибда берилган мавзу юзасидан лойиҳа топширигини бажаради. Унинг вазифаси – муайян фойдаланувчига йўналтирилган янги маълумот олиш, белгиланган муддат ичидаги берилган у ёки бу муаммони илмий, техникавий ечимидан иборат.

Ўқув лойиҳаси тушунчаси:

- муайян истеъмолчига мўлжалланган, муаммоларни излаш, тадқиқ қилиш ва ечиш, натижани ноёб (моддий ёки интеллектуал) маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган. Талабларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш усули;
- назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув *восита ва қуроллари*;

- ривожлантирувчи, таълим-тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чукурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган *дидактик восита*.

ГРАФИК ТАШКИЛ ЭТУВЧИЛАР

КЛАСТЕР (кластер-тутам, боғлам)-ахборот харитасини тузиш йўли-барча тузилманинг моҳиятини умумлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш асосида аниқ бирор мазмунни келтириб чиқаради.

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва кенг жалб қилишда ёрдам беради.

Кластерни тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

1. Катта қоғоз вараги марказида калит сўз ёки 1-2 сўздан иборат мавзу номини айлана ичига ёзинг.
2. Калит сўз билан бирлашдиган ён томонига кичкина ҳажмдаги айлана- “йўлдошча” ичига мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмасини ёзинг. Уларни чизик билан “бош” сўзга боғланг.
3. Ушбу “йўлдошча”ларда “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин, улар ичига яна сўз ёки иборалар ёзиб ажратилган вақт тугагунга қадар ёки ғоялар тугамагунга қадар давом эттирилади.

«НИМА УЧУН?» СХЕМАСИ –муаммонинг дастлабки сабабини аниқлаш бўйича фикрлар занжири бўлиб, тизимли, ижодий, таҳлилий мушоҳада қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

«Нима учун?» схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммосабабини аниқлаш учун:


- 1) Муаммони ёзинг ва стрелка чизигини чиқариб «Нима учун?» сўроғини ёзинг.
- 2) Саволга жавоб ёзиб нима учун сўроғини такрор ёзиб бораверинг.
Бу жараённи муаммонинг дастлабки сабаби аниқланмагунича давом эттиринг

«БАЛИҚ СКЕЛЕТИ» ЧИЗМАСИ – бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

“Балиқ скелети” схемасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

Ўқув топшириқда кўрсатилган муаммо майдонини тавсифлаш учун:

1. «Балиқ скелетини» чизинг:



2. «Суяк»нинг чап қисмида (ёки юқори суякда) муаммо ости муаммони ёзинг, ўнг қисмида (пастки суякда) – муаммо ости муаммони амалда мавжуд эканлигини тасдиқловчи далилларни ёзинг.

«ҚАНДАЙ?» ИЕРАРХИК ДИАГРАММАСИ - муаммо тўғрисида умумий тасаввурларни олишга, унинг ечимини топиш усул ва воситаларини топишга имкон берувчи мантиқий саволлар занжиридан иборат.

Тизимли, ижодий, таҳлилий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради.

«Қандай?» диаграммасини тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома

«Қандай?» диаграммасини тузишдан аввал, сиз қўйидагиларни билишингиз керак: кўп ҳолларда Сизга муаммолар ҳал этишда «Нима қилиш керак?» ҳақида ўйлашга хожат бўлмайди. Муаммо ечимини топиш учун асосан «Буни қандай қилиш керак?» қабилида бўлади. «Қандай?» - муаммони ҳал этишда асосий савол ҳисобланади.

1. Доира чизинг ва унинг ичига ечилиши лозим бўлган муаммони ёзинг.

2. Кетма-кет равишда «Қандай?» саволини қўйинг ва шу саволга жавоб беринг. Шу тартибда саволларни кетма-кет бериб бораверинг ва жавобларни ўйлаб ўтирмасдан, солиштирмасдан, баҳоламасдан, тез-тез ёзишда давом этинг.

Маслаҳат ва тавсиялар:

Янги ғояларни график қўринишда қайд этишни ўзингиз ҳал этинг: дараҳт ёки каскад қўринишида, юқоридан пастга ёки чапдан ўнгга. Энг муҳими эсда тутинг: нисбатан кўп микдордаги фойдали ғоялар ва муаммо ечимларини топишга имкон берадиган усул энг мақбул усул ҳисобланади.

Агарда сиз муаммони ечимини топиш учун тўғри саволлар берсангиз ва унинг ривожланиш йўналишини намоён бўлишида ишончни сақласангиз, диаграмма, сиз ҳар қандай муаммони амалий жиҳатдан ечимини топишингизни кафолатлайди.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Мавзу: Иқтисодиётни модернизациялаш ва янада ривожлантириш шароитида молиявий ҳисобот таҳлилини ташкил этишнинг концептуал асослари асослари ва халқаро тажрибаси (компеляция,трансформация,консолидация).

Режа:

1.1. Молиявий ҳисобот таҳлилини ташкил этишнинг концептуал асослари ва халқаро тажрибаси (компеляция,трансформация,консолидация).

1.2. Молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг тавсифи

1.3. Консолидациялашган молиявий ҳисобот, уни тузиш ва таҳлил этиш усуслари.

1.1.Молиявий ҳисобот таҳлилини ташкил этишнинг концептуал асослари ва халқаро тажрибаси (компеляция,трансформация,консолидация).

Молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми молиявий ҳисоботлар ҳисобланади. Молиявий ҳисобот ана шу ҳисоботларга асосланган ёки улар билан боғлиқ бўлган изоҳлар, мўлжаллар ва тушунтиришларни ҳам ўз ичига олади.

Молиявий ҳисоботлар тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимлари, хусусий капитал тўғрисидаги маълумотларни жамлайди, шунингдек уларга ишониб топширилган ресурслар бошқарилишининг натижаларини акс эттиради.

Молиявий ҳисоботлар тадбиркорлик субъектига тегишли бўлган қўйидаги жиҳатлар тўғрисидаги маълумотларни таъминлайди:

- (а) активлар;
- (б) мажбуриятлар;
- (в) капитал;
- (г) даромад ва харажатлар, жумладан фойда ва заарлар;
- (д) мулк эгалари томонидан уларнинг мулк эгалари сифатида амал қилишидаги қилинган

қўйилмалар ва уларга тақсимланадиган суммалар; ва

- (е) пул оқимлари.

Ушбу маълумотлар, изоҳлардаги бошқа маълумотлар молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларга тадбиркорлик субъектининг келгуси пул оқимларини ва, хусусан, уларнинг муддатини ва аниқлилигини башорат қилишга ёрдам беради.

Молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами қўйидагиларни қамраб

олади:

- (а) давр охирига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;
- (б) давр учун фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот;
- (в) давр учун капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;
- (г) давр учун пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- (д) изоҳлар, яъни аҳамиятли ҳисоб сиёсатларининг ва бошқа тушунтириш маълумотларининг қисқа баёнини қамраб олган изоҳлар;
- (да) олдинги давр учун қиёсий маълумотларни;
- (е) молиявий ҳолат тўғрисидаги олдинги даврга тегишли (ретроспектив таҳлил юзасидан) маълумотларни

Тадбиркорлик субъекти молиявий ҳисботларнинг тўлиқ тўпламида барча молиявий ҳисботларни тенг даражада тақдим этиши лозим.

Кўпгина тадбиркорлик субъектлари, молиявий ҳисботлардан ташқари, тадбиркорлик субъектининг раҳбарияти томонидан тайёрланган унинг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларининг асосий жиҳатларини ҳамда у дуч келадиган асосий ноаниқликларни шарҳлайдиган ва тушунтирадиган молиявий таҳлилни ҳам тақдим этадилар. Бундай ҳисбот қуидагиларнинг ўз ичига олиши мумкин:

(а) молиявий натижаларни шакллантирган асосий омиллар ва таъсиrlар, жумладан тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатадиган муҳитдаги ўзгаришлар, тадбиркорлик субъектининг ушбу ўзгаришларга жавобан чоралари ва уларнинг таъсири, ҳамда тадбиркорлик субъектининг молиявий натижаларни сақлаб қолиш ва кўпайтиришга қаратилган инвестицион сиёсати, жумладан унинг дивиденд сиёсати;

(б) тадбиркорлик субъектининг фаолиятини молиялаштириш манбалари ва у томонидан кўзланган мажбуриятларнинг капиталга нисбати коэффициенти; ва (в) тадбиркорлик субъектининг МҲҲСларга мувофиқ молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисботда тан олинмаган ресурслари.

Тадбиркорлик субъектлари, молиявий ҳисботлардан ташқари, экологик ҳисботлар ва қўшилган қиймат тўғрисидаги расмий ахборотлар каби ҳисботларни ва расмий ахборотларни, хусусан экологик омиллар аҳамиятли бўлган соҳаларда ва қачонки ходимлар аҳамиятли фойдаланувчилар гурухи сифатида инобатга олинганда, тақдим этадилар.

Молиявий ҳисботлар таҳлилида ўрганиладиган мавзуларни қуидагича таркиблаш мумкин:

Молиявий ҳисботлар таҳлилиниң умумий мавзулари:

-Бухгалтерия алнси ва молиявий ҳолат таҳлили;

- Молиявий натижалар ва рентабеллик таҳлили;
 - Пул оқимлари ва валюта маблағлари ҳаракатини таҳлили
 - Хусусий капитал таҳлили
 - Молиявий ҳисботларни комплекс таҳлили
- Молиявий ҳисботларнинг бирлик мавзулари:
- Инвестицион фаолият ва инвестицион жозибадорлик таҳлили
 - Бозор ва иш активлiği таҳлили
 - Кредитга лаёқатлик таҳлили
 - Иқтисодий начорлик таҳлили
 - Молиявий индикаторлар таҳлили
 - Рисклар таҳлили ва ҳ.к.

Хўжалик субъекти жорий даврнинг молиявий ҳисботларида акс эттирилган барча суммалар бўйича олдинги даврга нисбатан қиёсий маълумотларни тақдим этиши лозим. Бу жиҳатдан хўжалик субъекти камида, иккита молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисботларни, иккита фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисботларни, иккита алоҳида фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисботларни (агарда тақдим этиладиган бўлса), иккита пул оқимлари тўғрисидаги ҳисботларни ва иккита капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисботларни ҳамда тегишли изоҳларни тақдим этиши лозим. Бу ҳолат, маълумотларни қиёслашни, уларни таҳлил этишнинг зарурйлигини белгилаб берувчи асосий шартдир.

Инвестицион таҳлил. Инвестицион таҳлил- бу инвесторларнинг самарали қарор қабул қилиши учун инвестицияларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини ишлаб чиқиш, асослаш ва баҳолаш учун бажариладиган методик ва амалий услублар, усуllар мажмуидир.

Мулкчиликшаклидан қатий назар ҳар битта корхонанинг асосий мақсади фойда олиш ва иқтисодий салоҳиятни ўстиришга қаратилган. Инвестициялар ушбу мақсадга эришишнинг воситасидир. Аммо, ҳар бир сармоядорнинг қарорлари мувафақиятли бўлиши учун инвестицион таҳлил натижаларига асосланган бўлиши лозим.

Тўғри ва ўз вақтида ўтказилган инвестицион таҳлил қўйидаги вазифаларни ҳал қилиш имконини беради:

- инвестицияларнинг реал эҳтиёжларини ва инвестициялар учун зарур шарт шароитларнинг мавжудлигини баҳолаш;
- корхонанинг тактик ва стратегик мақсадларини инобатга олган ҳолда сармоявий ечимларини танлаш;
- инвестицияларнинг ҳақиқий натижаларига, режалаштирилган лекин режадан четга чиқишларга таъсир этувчибарча омилларни аниқлаш;

- инвестицияларни амалга оширишда инвесторлар учун хавф хатарларни;

-корхоналарнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш юзасидан инвестицион мониторингдан кейинги тавсияларни ишлаб чиқиш.

Инвестицион таҳлилнинг турлари бўйича: капитал қўйилмаларга инвестициялар; молиявий инвестициялар таҳлилига.

Инвестициялар объекти бўйича: тўлиқ корхона таҳлили; алоҳида инвестицион жараёнлар таҳлилига.

Даври бўйича: инвестиция олди; жорий, опреатив; инвестицион фаолиятдан кейинги таҳлил.

Аналитик изланишлар хажми бўйича тўлиқ ва тематик таҳлил турларига;

Шакли бўйича инвестицион таҳлил: ички ва ташқи таҳлил турларига ажратилади.

Инвестицион таҳлил қўйидаги тизимли кетма кетликда утказилади:

-зарур ахборотларни танлаш ва тайёрлаш;

-дастлабки ахборотни қайта ишлаш ва таҳлилий ахборотни шакллантириш;

-аналитик ахборотни талқин қилиш;

-хулоса ва тавсияларни тайёрлаш.

Инвестицион таҳлил иикт муҳим босқични ўз ичига олади. Уларнинг ҳар бир ўз ичига яна бир неча босқичларни олади.

1-инвестицион лойиханинг смарадорлигини баҳолаш;

2-рискларни баҳолаш.

Инвестицион таҳлилда молиявий таҳлилнинг горизонтал, вертикал, тренд, қиёслаш, коэффицент, интеграл усусларидан фойдаланилади.

Кимматли қағозлар таҳлили. Таҳлилнинг мақсади –кимматли қағозлар бўйича келажақдаги хатти харакатни аниқлик билан таҳмин қилишга қаратилган. Таҳлил қилмасдан сармоядорлар бозорда нима бўлаётганлигини била олмайдилар.

Энг истиқболли компаниялар-эмитентлар ҳам охир оқибатда мувафақиятсизликка учраши мумкин. Бошқа томондан кичик ва ноқобил компаниялар тез ва кутилмаган тарзда натижаларига эришиб уларнинг улуши кескин ортиб кетиши мумкин.

Барча иштирокчиялар кайси компаниялар ривожланиб кетмоқда, қайсилари ривожланиши секинлашган ёки орқага кетганлига қараб акцияларни сотиб олиш ёки сотиш юзасидан қимматли қағозларни таҳлил қилишга киришадилар.

Кимматли қағозларнинг одатда фундаментал ва техник таҳлил

турлари таркибланади.

Молиявий ҳисоботни башоратлаш. Бошқарув ҳар доим келажакка йўналитирилган бўлади. Бўлиб ўтган жараённинг ортга қайтариб бўлмайди. Лекин унинг натижаларига қараб келажакни режасини тузиш, келажакдаги бошқарувнинг оптималлигини, смарадорлигини таминлаш чораларини кўриш мумкин.

Молиявий ҳисоботларни башоратлаш нима учун керак? Молиявий ҳисоботларни башоратлаш асосида молиявий холат, натижа, пул ҳаракати, капитал ўзгаришидаги ҳар қандай қўрсаткични олдиндан кутилишини башоратлаш мумкин.

Башоратлаш молиявий ҳисоботлар маълумотлари асосида ҳисоб-китоб қилинадиган ҳар қандай қўрсаткични олдиндан аниқлаш имконини беради. Бу эса корхонанинг молиявий ҳолати, натижалари, пул оқими юзасидан оддиндан кутилиши мумкин бўлган холатни аниқлашга имкон беради. Тўғри, олдиндан аниқланган қўрсаткичининг аниқлиги таъминлаб бўлмайди. Чунки унга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар, шунингдек бошқарув аппарти томонидан қабул қилинадиган қарорлар аниқликни қай жиҳатдандир ўзгаришига сабаб бўлади.

Башоратлашда мураккаб моделлаштириш тизимидан фойдаланилади. Рисклар баҳолаш масала бу борада ўта мураккаб ва қийин жараён ҳисобланади.

Баланс моддаларини башоратлашда куйидаги моделлардан фойдаланилади.

1) Бухгалтерия баланси моддаларини фиксациялаш методи - прогнозлаштириш даврида баланснинг шундай моддаларига нисбатан қўлланиладики улар маълум даврийликда ўзгаришсиз қолади. Масалан Устав капитал, Кўшилган капитал, Узокмуддали молиявий қўйилмалар, Ўзоқ муддатли мажбуриятлар ва ҳ.к.

2) Бухгалтерия баланси моддалари орасидаги пропорционал боғлиқлик методи.

Мисол учун, административ ва тижорат харажатларини, тўловга қабул қилинган мажбуриятлар ва ҳ.к.ларнинг сотиш хамига боғлиқлиги. Айрим қўрсаткичлар маҳсулотларни сотиш ҳажмига эмас балки ишлаб чиқарилган, сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ўзгаришига боғлик равишда ўзгаради. Масалан, кредиторлик мажбуриятларининг ортиши, мажбуриятлар бўйича захираларнинг ташкил этилиши каби.

3) Регрессив таҳлил методи. Индикаторлар орасидаги барқарор муносабатлар мавжудлиги шароитида статистик мутаносиблика

асосланган усул ҳисобланади.

4) Эксперт баҳолаш методи. Мураккаб вазифаларни ҳал этишда фойдаланиладиган усул.

5) Доимий ўсиш методи. Алоҳида коэффицентларнинг доимий ўсиш суратларини белгилаш усули. Масалан узоқ муддатли қарзлар, мамурий ва савдо харажатлари, белгиланган хараждаталарнинг бошқа турларининг ўсиши. Индикаторларнинг ўсиш суратлари ўртача қийматларни эмас балки мураккаб ўртача йиллик ўсиш суратлари даражасида қўлланиши керак.

6) Элементар режалаштириш методи. Хар бир объект учун режалаштирилган схема, режалар мавжудлиги, молиявий ҳисбот мақомини ташкил этувчи шу каби объектлар гуруҳи назарда тутилади.

Ушбу методдан амортизация харажатларини башоратлашда, узоқ муддатли қарзларни қоплашда фойдаланиш мумкин.

Молиявий тахлилнинг моделли таркиби қуйидаги бўлимлардан ташкил топади.

- дастлабки маълумотлар базаси;
- ҳисоб-китоблар;
- оралиқ жавдаллар;
- натижалар;
- графиклар.

Молиявий ҳисботларни башоратлашда ҳар қадамда компания раҳбариятининг хатти харакатларини танлаш зарурияти билан юзмади келиши мумкин ва бу табиий ҳол ҳисобланади.

Агар компания муайян чораларни кўришни хоҳламаса уз ўзидан ҳолат янада ёмонлашиб боравериши мумкин.

Асосий жиҳатлар тақсимланмаган фойдани қаерга йўналтириш лозимлига, узоқ муддатли активларнинг қайси турларини олиб келиш лозимлига, молиявий қўйилмаларни қаерларга жойлаштиришга, хусусий капитални ўстиришга қаратилмоғи лозим.

Башоратлашдаги энг муҳим масалалардан бири бу инфляция даражаси бўйича аниқ маълумотларга таянилиши билан изоҳланади

1.2.Молиявий ҳисбот шакллари ва уларнинг тавсифи

Иқтисодиётдаги ўзгаришларнинг жадаллиги замонавий бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитнинг ҳам мазмунини тубдан янги шакл ва мазмунда юритишни талаб этмоқда. Ҳозирги шароитда молиявий ҳисботлар тахлилиниң муҳимлигини шу битлан аниқ изоҳлаш мумкинки ушбу предмет алоҳида фан сифатида шаклланган. Мулк эгалари, шериклар ва хамкорлар, мол етказиб берувчи ва харидорлар, қарпз берувчи ва

олувчилар, назорат ва тафтиш органлари, контригентларнинг кенг қамровли таркиби хўжалик субъектининг молиявий аҳволи ва ундаги ўзгаришларни баҳолашнинг концептуал асослари тубдан янгидан тузиб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг алоҳида қабул қилинган Бухгалтерия ҳисоби, Аудит тўғрисидагни конунлари, қатор Кодекслар (бюджет, солиқ, меҳнат, инвестиция,) нормалари асосида ташкил этилаётган ҳисоб хизматларининг мазмуни тубдан ўзгармоқда.

Молиявий ҳисобот - хўжалик юритувчи субъект алоҳида мустақил хўжалик юритувчи субъектлиги ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг жамланган гуруҳига киришидан қатъи назар шу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум бир даврдаги фаолиятини кўрсатувчи молиявий ахборотни тақдим этиш усулидир.

Молиявий ҳисобот - бухгалтерия ҳисоби субъектининг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотдан иборатdir.

Йиллик молиявий ҳисобот қўйидагиларни ўз ичига олади:

- бухгалтерия баланси;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот;
- хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;
- изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Молиявий ҳисобот ҳисобот йили бошидан ортиб борувчи якун билан тузилади.

Бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботи бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади ва тақдим этилади.

Молиявий ҳисоботнинг таркиби ва мазмuni Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари молиявий ҳисоботининг таркиби ҳамда мазмuni Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Асосий хўжалик жамияти бўлган ва шўъба хўжалик жамиятларига, ўз назорати остидаги ташкилотларга эга бухгалтерия ҳисоби субъекти консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузади.

Халқаро стандартлар бўйича тузиладиган молиявий ҳисоботга доир талаблар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида белгиланади.

Бухгалтерия ҳисоби субъекти молиявий ҳисоботни тузишда мустақил балансга ажратилган ўз ваколатхоналарининг, филиалларининг ва бошқа таркибий бўлинмаларининг бухгалтерия балансларини ҳамда

бошқа ҳисобот шаклларини киритиши керак.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузиш тартиби, шунингдек асосий хўжалик жамиятининг назорати остидаги ташкилотларга қўйиладиган талаблар бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан белгиланади.

Молиявий ҳисобот куйидагиларга тақдим этилади:

- давлат солиқ хизмати органларига;
 - таъсис ҳужжатларига мувофиқ мулкдорларга;
 - давлат статистика органларига;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга.

1-жадвал

Молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг ахборотлиги

Ҳисобот шакллари			
Бухгалтерия баланси	Фойда ва зарар ҳақида ҳисобот	Капитал тўғрисидаги ҳисобот	Пул оқими тўғрисидаги ҳисобот
Иқтисодий ресурслар ҳақидаги, ликвидлик ва тўловга кобиллик ҳақидаги, корхонанинг ўзгаришларга адабтация қилиш кобилятини баҳолаш тўғрисидаги ахборотларни олишга имкон беради	Ресурслар басини юзасидан пул оқимларининг ижобий салдосини, фаолият натижаси ва рентабеллик ҳақидаги ахборотларни беради	Корхонанинг операцион, молиявий ва инвестицион фаолият натижасини баҳолашга, корхонанинг пул ишлаб топиш кобиляти, ушбу маблағларга корхонанинг заруриятини баҳолаш имкон беради	Корхонанинг соф активлар қийматини баҳолашга, тўловга кобиллик ва ликвидликни баҳолашга, пул маблағларини самарали бошқариш тўғрисидаги ахборотларни олиш имконини беради

Молиявий ҳисобот электрон ҳужжат тарзида тақдим этилиши мумкин.

Молиявий ҳисобот йилнинг ҳар чорагида тақдим этилади. Кичик корхоналар ва микрофирмалар бухгалтерия балансидан ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан иборат фақат йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботи манфаатдор банклар, биржалар, инвесторлар, кредиторлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шахслар учун очиқдир.

Акциядорлик жамиятлари, шунингдек сугурта ташкилотлари, банклар, жамоат фондлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ташкилотлар ҳар йилги молиявий ҳисботни акциядорларнинг ёки бухгалтерия ҳисоби субъекти бошқа юқори бошқарув органининг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин аудиторлик хulosаси билан бирга эълон қилиши шарт.

Бухгалтерия ҳисоби барча хўжалик операцияларини яхлит, узлуксиз, ҳужжатлар асосида ҳисобга олиш йўли билан бухгалтерия ахборотини йиғиш, қайд этиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимидан, шунингдек унинг асосида молиявий ва бошқа ҳисботни тузишдан иборатdir.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларига асосланган, бухгалтерия ҳисоби регистрларида, молиявий ҳисботларда, тушунтиришларда ҳамда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда акс эттириладиган бухгалтерия ҳисоби объектлари ҳақидаги қайта ишланган маълумотлар- бухгалтерия ахбороти деб юритилади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботни тузишга доир минимал талабларни бухгалтерия ҳисоби стандартлари белгилайди.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисботни тузишга доир маҳсус талабларни бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари белгилайди.

Хўжалик субъектлари молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўллашлари мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисботи манфаатдор банклар, биржалар, инвесторлар, кредиторлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шахслар учун очиқdir.

Акциядорлик жамиятлари, шунингдек сугурта ташкилотлари, банклар, жамоат фондлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ташкилотлар ҳар йилги молиявий ҳисботни акциядорларнинг ёки бухгалтерия ҳисоби субъекти бошқа юқори бошқарув органининг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин аудиторлик хulosаси билан бирга эълон қилиши шарт.

Кўпгина тадбиркорлик субъектлари, молиявий ҳисботлардан ташқари, тадбиркорлик субъектининг раҳбарияти томонидан тайёрланган унинг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларининг асосий жиҳатларини ҳамда у дуч келадиган асосий ноаниқликларни шарҳлайдиган ва тушунтирадиган молиявий таҳлилни ҳам тақдим этадилар. Бундай ҳисбот куйидагиларнинг таҳлилини ўз ичига олиши мумкин:

(а) молиявий натижаларни шакллантирган асосий омиллар ва таъсиrlар, жумладан тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатадиган муҳитдаги ўзгаришлар, тадбиркорлик субъектининг ушбу ўзгаришларга жавобан чоралари ва уларнинг таъсири, ҳамда тадбиркорлик субъектининг молиявий натижаларни сақлаб қолиш ва кўпайтиришга қаратилган инвестицион сиёсати, жумладан унинг дивиденд сиёсати;

(б) тадбиркорлик субъектининг фаолиятини молиялаштириш манбалари ва у томонидан кўзланган мажбуриятларнинг капиталга нисбати коэффициенти;

(в) тадбиркорлик субъектининг МҲҲСларга мувофиқ молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисботда тан олинмаган ресурслари.

Молиявий ҳисботларнинг элементлари: активлар, мажбуриятлар, хусусий сармоя, захиралар, даромадлар, харажатлар, молиявий натижалар

Тадбиркорлик субъекти ўзининг, пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларидан ташқари, молиявий ҳисботларини бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш усули асосида тайёрлаши лозим. Бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш усули қўлланилганда, тадбиркорлик субъекти моддаларни активлар, мажбуриятлар, капитал, даромадлар ва харажатлар (молиявий ҳисботлар элементларини) сифатида тан олади, қачонки улар Концептуал асосда келтирилган ушбу элементларнинг таърифларига ва тан олиш мезонларига тўғри келса.

Активлар - субъект назорат қиладиган, келгусида улардан даромад олиш мақсадида аввалги фаолият натижасида олинган иқтисодий ресурслардир.

Активлар - хўжалик субъектининг қиймат баҳосига эга бўлган моддий, шу жумладан, пул маблағлари ва дебиторлик қарзлари ва номоддий мулкидир.

Активларда акс эттирилган бўлгуси иқтисодий фойда, хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари оқимига потенциал, бевосита ва билвосита қўшиладиган улушдир. Бу улуш хўжалик юритувчи субъект асосий фаолиятининг бир қисми сифатида юзага келиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектнинг активлари аввалги битимлар ва бошқа воқеаларнинг натижасидир. Хўжалик юритувчи субъектлар одатда активларни сотиб олиб ёки ҳосил қилиб унга эга бўладилар, бироқ, бошқа битимлар ва воқеалар активларни кўпайтиришга имкон беради. Масалан, хўжалик юритувчи субъект ҳукуматдан олган кўчмас мулк. Келгусида кутиладиган битимлар ва бошқа воқеалар ўзидан ўзи активларнинг пайдо бўлишига олиб келмайди.

Хўжалик юритувчи субъект ўз активларидан мулкни, товар-моддий

захиралар ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатилишини бошқариш учун фойдаланади.

Активларда акс эттирилган бўлғуси иқтисодий фойда хўжалик юритувчи субъект томонидан ҳар хил йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Масалан, активдан:

- Товар-моддий захиралар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда алоҳида ёки бошқа активлар билан биргаликда фойдаланилиши;
- Бошқа активларга алмаштирилиши;
- Мажбуриятларни бажариш учун фойдаланилиши;
- Хўжалик юритувчи субъектнинг эгалари ўртасида тақсимланиши мумкин.

Активлар бинолар, иншоотлар ва ускуналар сингари жисмоний шаклга эга. Бироқ, жисмоний шакл активнинг мавжуд бўлиши учун зарур эмас. Масалан, патентлар ва муаллифлик ҳуқуқлари активлардир, агар хўжалик юритувчи субъект келгусида улардан фойдаланишдан иқтисодий фойда олишни кутаётган бўлса.

Активлар, масалан, дебиторлик қарзлари ва мулк юридик ҳуқуқлар, шу жумладан эгалик ҳуқуқи билан боғлиқдир. Актив мавжудлигини аниқлашда, эгалик ҳуқуқи асосий ҳисобланмайди. Масалан, ижарага олинадиган мулк актив ҳисобланади, агар хўжалик юритувчи субъект ана шу мулкдан олиниши керак бўлган фойдани назорат қиласа.

Харажатларни амалга ошириш билан активларни ҳосил қилиш ўртасида узвий алоқа мавжуд, аммо бу жараёнлар ҳамма вақт ҳам вақти бўйича тўғри келмайди. Хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган харажатлар бўлғуси иқтисодий фойда изланганидан далолат беради, лекин активлар олинганини узил-кесил тасдиқламайди. Бинобарин, харажатларнинг мавжуд эмаслиги объектни актив деб ҳисоблаш учун асос бўлмайди. Масалан, хўжалик юритувчи субъектга текинга берилган объектлар активларни таърифлашга мос келади.

Хусусий сармоя - субъектнинг мажбуриятларни чегириб ташлагандан кейинги активларидир.

Хусусий сармоя устав, қўшилган, захиралар сармояси ва тақсимланмаган фойдадан иборатдир. Зарур ҳолларда устав, қўшилган, захира сармоялари таҳлилий жиҳатдан алоҳида ҳисобга олинади. Бухгалтерия балансидаги хусусий сармоянинг миқдори активлар қийматини ва мажбуриятларни баҳолашга боғлиқдир.

Мажбуриятлар - шахснинг (қарздорнинг) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ишни амалга ошириш, масалан, мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, пул тўлаш ва бошқа мажбуриятларидир ёхуд муайян

хатти-ҳаракатдан тийилиб туриш мажбуриятидир, кредитор эса қарздордан ўз мажбуриятларини бажаришини талаб қилишга ҳақлидир.

Хўжалик юритувчи субъект бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдида жорий масъулиятли эканлиги мажбуриятнинг асосий тавсифидир.

Мажбуриятлар уставнинг ёки шартноманинг талаблари оқибати сифатида кучга кириши мумкин. Масалан, олинган товар-моддий захиралар ва хизматлар учун тўланадиган суммалар. Мажбуриятлар олдин тадбиркорлик иши жараёнида, яхши муносабатларни сақлаб туриш ёки холисона тарзда иш кўришда ҳам юзага келади. Масалан, агар хўжалик юритувчи субъект кафолат муддати тугаганидан сўнг ўз маҳсулотидаги камчиликларни тузатиш тўғрисида қарор қабул қиласа, шу бўйича қилинган харажатлар ҳам мажбуриятлар деб ҳисобланади.

Ҳозирги мажбурият билан келгуси мажбурият ўртасида чегара бўлиши керак. Хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг келгусида активларни сотиб олиш ҳақида қабул қилган қарори мажбурият пайдо бўлишига сабаб бўлмайди. Мажбурият одатда актив олинганда ёки хўжалик юритувчи субъект активни сотиб олиш тўғрисида битимга киришгандагина пайдо бўлади.

Тегишли мажбуриятни бажариш одатда бошқа тарафнинг эътиrozларини қондириш учун иқтисодий фойдани ифодаловчи хўжалик юритувчи субъект ресурсларини ўзига жалб этади. Мажбуриятларнинг бажарилиши ҳар хил усулларда (қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари) амалга оширилади:

- хақ тўлаш билан;
- бошқа активларни бериш билан;
- хизматларни кўрсатиш билан.

Ушбу мажбуриятни бошқаси билан алмаштириш орқали;

Мажбуриятларни акцияларга алмаштириш орқали. Мажбурият, кредитор ўз ҳуқуқларидан бош тортган ҳолларда ёки кредитор ана шу ҳуқуқларидан маҳрум бўлганида, бажарилган деб ҳисобланиши мумкин.

Мажбуриятлар аввалги битимлар ёки ўтган воқеаларнинг натижасидир. Масалан, товар-моддий захираларни сотиб олиш ва хизматларни олиш билан тўланиши керак бўлган (агар улар илгари тўланмаган бўлса ёки етказиб берилганда) счёtlар ҳам олинади.

Захиралар - келгусида муайян харажатларга сарфланиши мумкин бўлган хусусий сармоянинг бир қисмидир.

Хўжалик юритувчи субъектни ва кредиторларни заарларнинг оқибатларидан қўшимча тарзда ҳимоя қилишни таъминлаш учун захираларни вужудга келтириш зарур. Захираларни ҳосил қилиш ва

уларнинг микдори ҳақидаги ахборот қарорлар қабул қилишда фойдаланувчилар учун ахамиятлидир. Захираларни вужудга келтириш хўжалик юритувчи субъектга доир қонунчиликда ва уставда (солиқ қонунларини бузмаган ҳолда) кўзда тутилади.

Даромадлар - ҳисобот даврида активларнинг қўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайишидир.

Ялпи даромад хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ва асосий бўлмаган фаолиятидан олинган даромадларни ўз ичига олади. Асосий фаолиятдан даромад маҳсулот, ишлар, хизматлар, товар-моддий захиралар, бошқа активларни сотишдан, шунингдек мукофотлар, фоизлар ва дивиденdlар, гонорарлар ва хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолиятига боғлиқ бўлган рентадан олиниши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъект асосий бўлмаган фаолият натижасида оладиган даромадлар даромадни аниқлашга мос келадиган моддаларни ўз ичига олади ва концептуал асоснинг алоҳида таркибий қисмлари деб ҳисобланмайди.

Биржада муомалада бўладиган қимматли қоғозларни қайта баҳолаш ва бошқалар асосий бўлмаган фаолият натижасида пайдо бўладиган даромадларга мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай даромадлар, агар молиявий натижалар ҳақидаги ҳисботда эътироф этилса, алоҳида кўрсатилади, чунки иқтисодий қарорларни қабул қилишда улар ҳақидаги ахборот фойдали бўлиши мумкин.

Солиқка тортиладиган даромад (зарар) - солиқ қонунларига мувофиқ белгиланган ҳисобот давридаги даромад (зарар) суммасидир.

Харажатлар - ҳисобот даврида активларнинг камайиши ёхуд мажбуриятларнинг қўпайишидир.

Харажатларни белгилаш мулкни, ишлаб чиқаришни бошқариш билан ҳамда маҳсулот сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва зарарлар билан боғлиқ. харажатларни ўз ичига олади. Улар одатда пул маблағлари, моддий захиралар, иншоотлар, ускуналар ва бошқалар сингари активларнинг чиқиши ёки улардан фойдаланилиши шаклида бўлади.

Зарарлар иқтисодий фойданинг камайганлигини билдиради ва ўз табиатига кўра бошқа харажатлардан фарқ қилмайди ва концептуал асоснинг алоҳида қисми деб ҳисобланмайди.

Зарарлар бошқа активларни сотишда ёки табиий оғатлар натижасида юзага келиши мумкин. Бундай зарарлар молиявий натижалар ҳақидаги ҳисботда кўрсатиладиган бўлса, улар ҳақидаги ахборот иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдали бўлиши мумкин ва шунинг

учун ҳам улар алоҳида кўрсатилади.

Молиявий натижалар - хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятининг пировард иқтисодий якунидир.

Даромадлар ва харажатлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботда қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиш мақсадида фаолият турларини чегаралаш йўли билан кўрсатилиши мумкин. Масалан, хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти давомида ва фаолият жараёнидаги фавқулодда ҳолатларда юзага келадиган даромадлар ва харажатларнинг моддалари ўртасидаги чегара умумий қабул қилинган амалиётдир. Бундай чегаралаш хўжалик юритувчи субъектнинг келгусида пул маблағларини қўпайтириш қобилиятига баҳо беришда аҳамиятли бўлган моддаларнинг манбалари асосида ўтказилади. Моддаларни чегаралашда хўжалик юритувчи субъектнинг табиати ва унинг фаолияти билан ҳисоблашиш керак. Битта хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти натижасида пайдо бўладиган моддалар бошқаларига қараганда фавқулодда бўлиши мумкин.

Даромадлар ва харажатларнинг моддалари ўртасидаги чегара ҳамда уларнинг ҳар хил комбинациялари ҳам хўжалик юритувчи субъектнинг иш натижаларини кўрсатиш имкониятини беради. Бундай бўлимлар ҳар хил моддаларни ўз ичига олади. Масалан, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот солиққа тортилишгача ва ундан кейинги молиявий-хўжалик фаолиятидан олинган даромадни кўрсатади.

Омонат эгаларининг хусусий сармояга улушлари даромад ҳисобланмайди; хусусий сармоянинг эгалари ўртасида тақсимланиши харажат ҳисобланмайди.

Даромадлар ва харажатларни аниқлаш уларнинг асосий фарқ қилувчи жиҳатларини очиб беради, лекин уларни молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботда эътироф этишдан олдин жавоб бериши лозим бўлган мезонларни аниқлаштирамайди.

Молиявий ҳисботлар шакллари ва уларнинг тавсифи. Жамланган молиявий ҳисботлар ва уларни таҳлил этиш

Бухгалтерия баланси. Бухгалтерия баланси маълум санага корхонанинг активлари, капитали ва мажбуриятларини ҳолати ҳақида ахборот берувчи ҳисбот шаклидир.

«Баланс» атамаси лотинча *bis* икки марта, *banx* - тарози палласи сўзларидан таркиб топган бўлиб, иккала палла деган маънони англатади. У тенглик, мувозанат тушунчаси сифатида ишлатилади.

Бухгалтерия балансини турли таснифий белгилари (тўзилиш вақти, ахборот ҳажми, акс эттириш объекти, тозалаш усули) бўйича турларини таркиблаш мумкин.

2-жадвал

Бухгалтерия балансини турлари

Бухгалтерия баланси тўзилиш вақтига кўра				
Ташкил топиш баланси	Жорий баланслар	Тугатиш баланси	Бўлиш баланси	Бирлаштириш баланси
Корхонанинг ташкил топиш вақтида тўзилади.	Корхонанинг узлуксиз фаолиятида, қонунда белгиланган муддатларда тўзилади	Корхона тугатилган да тўзилади	Йирик корхона бир неча майда корхоналарга бўлинеш вақтида	Бир неча корхоналар бир корхонага бирлашганда тўзилади
Ахборот ҳажми бўйича баланслар				
Бир марталик	Йиғма баланс			
Бир марталик баланс фақат битта корхона бўйича жорий хисоб асосида тўзилади.	Йиғма баланс бир марталик баланслар асосида тўзилади ва бирлашмалар (вазирликлар, қўмита ва бошқармалар ва шу кабилар)нинг хўжалик маблағларини акс эттиради.			
Акс эттириш объектига кўра				
Мустақил баланс	Алоҳида баланс			
Мустақил балансни хуқукий шахс бўлган барча корхоналар тузади.	Алоҳида балансни корхонанинг таркибий бўлинмалари (филиаллар, бўлимлар, шўба ва қарам хўжаликлар ва шу кабилар) тузади.			
Акс эттириш объектига кўра				
Баланс-брутто	Баланс-нетто			
Тартибга солувчи моддаларни ўз ичига оловччи балансдир	Баланснинг умумий қийматидан тартибга солувчи моддалар суммаси чегирилади.			

Хўжалик юритувчи субъектлар узлуксиз фаолиятида иқтисодий ресурслар ҳаракатга келтирилади ва уларнинг тўзилиши доимо ўзгариб туради. Ушбу ўзгаришларни бухгалтерия балансида тўртта жиҳатини ҳаракатерлаш лозим. Биринчи жиҳат ўзгариш актив ва пассив томоннинг ўсишини ҳарактерлайди, иккинчи жиҳат ўзгаришлар ҳар икки томоннинг камайишини, учинчи жиҳат ўзгаришлар фақат актив томоннинг ўзгаришини, тўртинчи жиҳат ўзгаришлар фақат пассив томоннинг ўзгаришларини ҳарактерлайди.

3-жадвал

Бухгалтерия балансидағи ўзгаришлар

Балансдаги ўзгаришлар			
A+X1=П+Х1	A-X2=П-Х2	A+Х3-Х4=П	A=П+Х4-Х4
Актив тамон ҳам пассив томон ҳам ортади	Актив тамон ҳам пассив томон ҳам камаяди	Күпайиш ва камайиш актив томонда кузатилади	Күпайиш ва камайиш пассив томонда кузатилади
Баланс суммаси ортади	Баланс суммаси камаяди	Баланс суммаси ўзгармайди	Баланс суммаси ўзгармайди

Бухгалтерия балансини молиявий таҳлилга тайёрлаш юзасидан унинг элементлари ва моддаларини турли таснифий белгилари бўйича кўрсаткичлар тизимиға жамлаш талаб этилади. Бу таснифий белгилар уларнинг шакли, айланувчанлик даражаси, ликвидлиги бўлиши мумкин.

4-жадвал

Бухгалтерия баланси актив томони классификацияси

Активлар (A)			
Узоқ муддатли активлар (УМА)	Жорий активлар (ЖА)		
Молиявий бўлмаган узоқ муддатли активлар (МБУМА)	Молиявий узоқ муддатли активлар (МУМА)	Молиявий бўлмаган жорий активлар (МБЖА)	Молиявий жорий активлар (МЖА)
Пул кўринишида бўлмаган активлар (ПКБМ)			Пул кўринишидаги активлар (ПКМ)
Кийин сотиладиган активлар (ҚСА)	Ликвид активлар (ЛА)		

5-жадвал

Бухгалтерия баланси пассив тамони классификацияси

Пассив (П)			
Уз маблағлари манбайи (УММ)	Мажбуриятлар (М)		
Хусусий капитал	Узоқ муддатли кредит ва қарзлар (УМ)	Қиска муддатли кредит ва қарзлар(КМ)	Кредиторлик мажбурияти(К)
Доимий пассивлар (ДП)	Мажбуриятдаги пассивлар (МП)		

Балансдаги ифодалар:

Умумий ифодалар

$$A=P \quad (2.1)$$

$$УМА+ЖА= ЎММ+М \quad (2.2)$$

$$МБУМА+МУМА+МБЖА+МЖА=ЎММ+УМ+КМ+К \quad (2.3)$$

$$\text{ПКБА+ПКА=ДП+МП} \quad (2.4)$$

Бирлик ифодалар

$$\text{УМА=МБУМА+МУМА} \quad (2.5)$$

$$\text{ЖА=МБЖА+МЖА} \quad (2.6)$$

$$\text{ПКБА=МБУМА+МУМА+МБЖА} \quad (2.7)$$

$$\text{ЛА=МУМА+МБЖА+МЖА} \quad (2.8)$$

Молиявий бўлмаган узоқ муддатли активлар- асосий воситалар, номоддий активлар, ўрнатиладиган ускуналар, капитал қўйилмаларни ўз ичига олади.

Молиявий узоқ муддатли активларга узоқ муддатли инвестициялар киритилади.

Молиявий бўлмаган жорий активларга ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, товарлар, келгуси давр ҳаражатлари, кечиқтирилган ҳаражатлари ва дебиторлик мажбуриятлари киради.

Молиявий жорий активларга пул маблағлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар ва бошқа жорий активлар киради

6-жадвал

Активларнинг турли шакллари ўртасидаги аълоқадорлик

Активлар шакли	Молиявий бўлмаган активлар	Молиявий авқтивлар	Жами активлар
Узоқ муддатли активлар	МБУМА	МУМА	УМА
Жорий активлар	МБЖА	МЖА	ЖА
Жами активлар	МБА	МА	А

7-жадвал

Активларни мазмуни бўйича таркибланиши

Активларни манбалашни мазмуни		
Хусусий (ХК)*	Қарзга олинган (ҚҚ)	
	Ташқи қарз (ТҚ)**	Ички қарз (ИҚ)***
*-Ўз маблағлари манбаси	**-Узоқ ва қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар, кредиторлик мажбуриятларининг ташқи қисми	***-Кредиторлик мажбуриятларини ички қисми

Хусусий капитал-ўз ичига устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали тақсимланмаган фойда ва уз маблағалари манбайининг бошқа

таркибларини (мақсадли тушумлар, келгуси давр ҳаражатлари ва тўловлари захираси) олади.

Ташқи қарз- банк кредитлари ва қарзларини, олинган аванс тўловларини, кредиторлик мажбуриятларининг мол етказиб берувчиларга бўлган қисмини ўз ичига олади.

Ички қарз- корхонанинг меҳнат ҳақидан, соликлар, тўловлар ва йигимлар бўйича қарзидан, жалб қилинган қарз маблағлари юзасидан фоизлар, акционерларга элон қилинган дивиденdlар бўйича мажбуриятлардан иборат бўлади

8-жадвал

Бухгалтерия баланси моддаларининг мулкий эгалиги бўйича тузилиши

Мулк	Ўзига тегишли мулк	Қарзга олинган мулк	Жами
Пул кўринишида бўлмаган мулк (ПКБ)=МБУМА+МУМА+ МБЖА	ХК (ПКБ)	ҚК(ПКБ)	ПКБ
Пул кўринишидаги мулк(ПК)=МЖА	ХК(ПК)	ҚК(ПК)	ПК
Жами мулк	ХК	ҚК	А

9-жадвал

Бухгалтерия балансидаги моддаларнинг ўзгаришлар

Мулк	Давр бошига дебет қолдик	Хусусий мулк	Қарзга олинган мулк	Давр охирига дебет қолдик	Ўсиш даражаси
Давр бошига кредит колдиғи	Аб	ХКб	ҚКб	-	-
Пул шаклидаги бўлмаган мулк (ПШБМ)	ПШБМб	<ХК (ПКБ)	<ҚК (ПКБ)	ПШБМо	<ПШБМ
Пул шаклидаги мулк (ПШМ)	ПШМб	<ХК(ПК)	<ҚК (ПК)	ПШМо	<ПШМ
Давр охирига кредит колдиғи	-	ХКо	ҚКо	АО	-
Ўсиш даражаси	-	<ХК	<ҚК	-	<А

Молиявий ҳисоботлар таркибида бухгалтерия баланси марказий ўринда туради ва ундаги кўрсаткичларни таҳлил этиш ва баҳолаш орқали хўжалик юритувчи субъектнинг мулкий ва молиявий ахволидан воқиф бўлинади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий ахволидаги ўзгаришлар албатта мулкий ва молиявий муносабатлар туфайли юзага келади. Одатда, молиявий муносабатларнинг классик формуласи сифатида қўйидаги боғланишдан фойдаланилади.

Пул1 => Товар1 => Пул2* => Товар2* => Пул3*...

*цикл натижасидаги ютуқ: Пул1<Пул2<П3<.....

Ушбу формулани иқтисодий жароёнларга нисбатан расмийлаштиrsак қўйидаги кўринишга келади.

ПМ=>Р=>ИЧ=>ТФ=>ХК=>ПМ*...

Бунда ПМ-пул маблағлари

ПМ*-Цикл натижасидаги ютуқ: ПМ < ПМ*<ПМ**<ПМ***<.....

Р-ресурслар

ИЧ-ишлиб чиқариш

ТФ-тижорат фаолияти

ХК-ҳисоб-китоблар

Корхона активлари, хусусий капитал (сармоя) ва мажбуриятлар бухгалтерия балансининг элементлари ҳисобланади.

Корхона активларни ва мажбуриятларни баҳолаш.

Баҳолаш - активлар ва мажбуриятлар эътироф этиладиган ва молиявий ҳисботларда қайд этиладиган пул ўлчовининг усулидир.

Молиявий ҳисботларда баҳолашнинг қўйидаги усулларидан фойдаланилади:

Бошланғич қиймат. Активлар сотиб олиш вақтида эришилган томонларнинг ўзаро келишувига кўра белгиланган жорий қиймати бўйича акс эттирилади. Мажбуриятлар мажбуриятни бажаргунга кадар тўланадиган пул маблағлари суммаси бўйича мажбуриятларга алмасиб олинган маблағлар суммасида акс эттирилади.

Жорий қиймат. Активлар ана шу ёки шунга ўхшаш актив эндиғина сотиб олинган бўлгандаги ҳолатда тўланиши керак бўлган пул маблағлари суммаси бўйича ҳисботда акс эттирилади. Мажбуриятлар мажбуриятни тўлаш учун талаб этиладиган пул маблағларининг дисконтланмаган суммасида акс эттирилади.

Сотиш қиймати. Активлар сотишдан олиниши мумкин бўлган пул маблағлари суммаси бўйича акс эттирилади. Мажбуриятлар уларни тўлаш қиймати бўйича акс эттирилади, бундай қиймат эса мажбуриятларни тўлаш учун талаб этиладиган пул маблағларининг дисконтланмаган суммасидир.

Дисконтланган қиймат. Активлар хўжалик юритувчи субъектнинг нормал фаолияти давомида активларни кўпайтириши лозим бўлган бўлгуси пул маблағлари тушумининг дисконтланган қиймати бўлган жорий қиймат бўйича акс эттирилади.

10-жадвал

Бухгалтерия баланси элементлари ва уларнинг таснифий белгилари

Бухгалтерия баланси элементлари	Тавсифи	Таркий тўзилиши
Активлар	Субъект назорат қиласидаган, келгусида улардан даромад олиш мақсадида аввали фаолият натижасида олинган иқтисодий ресурслардир	Узоқ муддатли активлар: -Асосий воситалар: -Номоддий активлар -Узоқ муддатли инвестициялар -Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар -Капитал қўйилмалар Жорий активлар: -Товар моддий захиралар -Дебиторлар -Пул маблағлари -Қисқа муддатли инвестиациялар
Хусусий капитал (сармоя)	Субъектнинг мажбуриятларини чегириб ташлагандан кейинги активлари	Ўз маблағлари манбаси: Устав капитали Кўшилган капитал Захира капитали Тақсимланмаган фойда Мақсадли тушумлар Келгўзи давр тўловлар захираси
Мажбуриятлар	Шахснинг (қарздорнинг) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ишни амалга ошириш, масалан молмулкни топшириш, ишни бажариш, пул тўлаш ва бошқа мажбуриятлари	Узоқ муддатли мажбуриятлар Жорий мажбуриятлар

Мажбуриятлар келгусида ўтказиладиган пул маблағларининг дисконтланган қийматидан иборат бўлган, хўжалик юритувчи субъектнинг

оддий фаолияти давомида мажбуриятларни тўлаш учун фойдаланилиши мумкин бўлган жорий қиймат бўйича акс эттирилади.

Баланс қиймати - ҳисобот санасида бухгалтерия балансида активлар ва мажбуриятларни акс эттириш қийматидир.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларни тайёрлашда бошланғич қийматни баҳолаш учун асос қилиб оладилар. Ундан одатда баҳолашнинг бошқа асосий тушунчалари билан биргаликда фойдаланилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот.

Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар қуидагилардан иборат:

Даромад-, / Харажат=Н*100 Фойда (зарар)/ Рентабеллик

Даромадлар - ҳисобот даврида активларнинг қўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайишидир.

Активларнинг қўпайиши ва мажбуриятларнинг камайиши билан боғлиқ бўлғуси иқтисодий фойданинг ўлчангандан қўпайиши пайдо бўлганда, даромад молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади. Бу эса даромадни акс эттириш активларнинг қўпайиши ва мажбуриятларнинг камайишини акс эттириш билан бир вақтда юзага келишини англаради (масалан, товарлар ва хизматларни сотишда юзага келадиган активлардаги соғ қўпайиш ёки кредитор қарздан бош тортиши натижасида мажбуриятларнинг камайиши).

Харажатлар - ҳисобот даврида активларнинг камайиши ёхуд мажбуриятларнинг қўпайишидир.

Харажат активларнинг камайиши ва мажбуриятларнинг қўпайиши билан боғлиқ бўлғуси иқтисодий фонданинг ўлчангандан қамайиши пайдо бўлганда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади ва бу ишончли тарзда белгиланиши мумкин. Бу эса харажатларни акс эттириш мажбуриятлардаги қўпайиш ёки активларнинг камайишини акс эттириш билан бир вақтда юзага келишини англаради.

Молиявий натижалар - хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятининг пировард иқтисодий якунидир.

Ялпи даромад хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ва асосий бўлмаган фаолиятидан олинган даромадларни ўз ичига олади. Асосий фаолиятдан даромад маҳсулот, ишлар, хизматлар, товар-моддий захиралар, бошқа активларни сотишдан, шунингдек мукофотлар, фоизлар ва дивиденdlар, гонорарлар ва хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолиятига боғлиқ бўлган рентадан олиниши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъект асосий бўлмаган фаолият натижасида

оладиган даромадлар даромадни аниқлашга мос келадиган моддаларни ўз ичига олади ва концептуал асоснинг алоҳида таркибий қисмлари деб ҳисобланмайди.

Харажатларни белгилаш мулкни, ишлаб чиқаришни бошқариш билан ҳамда маҳсулот сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва заарлар билан боғлиқ. харажатларни ўз ичига олади. Улар одатда пул маблағлари, моддий захиралар, иншоотлар, ускуналар ва бошқалар сингари активларнинг чиқиши ёки улардан фойдаланилиши шаклида бўлади.

Заарлар иқтисодий фойданинг камайганлигини билдиради ва ўз табиатига кўра бошқа харажатлардан фарқ қилмайди ва концептуал асоснинг алоҳида қисми деб ҳисобланмайди.

Заарлар бошқа активларни сотишда ёки табиий офатлар натижасида юзага келиши мумкин. Бундай заарлар молиявий натижалар ҳақидаги ҳисботда кўрсатиладиган бўлса, улар ҳақидаги ахборот иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдали бўлиши мумкин ва шунинг учун ҳам улар алоҳида кўрсатилади.

Даромадлар ва харажатлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботда қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиш мақсадида фаолият турларини чегаралаш йўли билан кўрсатилиши мумкин. Масалан, хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти давомида ва фаолият жараёнидаги фавқулодда ҳолатларда юзага келадиган даромадлар ва харажатларнинг моддалари ўртасидаги чегара умумий қабул қилинган амалиётдир. Бундай чегаралаш хўжалик юритувчи субъектнинг келгусида пул маблағларини кўпайтириш қобилиятига баҳо беришда аҳамиятли бўлган моддаларнинг манбалари асосида ўтказилади. Моддаларни чегаралашда хўжалик юритувчи субъектнинг табиати ва унинг фаолияти билан ҳисоблашиш керак. Битта хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти натижасида пайдо бўладиган моддалар бошқаларига қараганда фавқулодда бўлиши мумкин.

Даромадлар ва харажатларнинг моддалари ўртасидаги чегара ҳамда уларнинг ҳар хил комбинациялари ҳам хўжалик юритувчи субъектнинг иш натижаларини кўрсатиш имкониятини беради. Бундай бўлимлар ҳар хил моддаларни ўз ичига олади. Масалан, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот солиқقا тортилишгача ва ундан кейинги молиявий-хўжалик фаолиятидан олинган даромадни кўрсатади.

Омонат эгаларининг хусусий сармояга улушлари даромад ҳисобланмайди; хусусий сармоянинг эгалари ўртасида тақсимланиши харажат ҳисобланмайди.

Даромадлар ва харажатларни аниқлаш уларнинг асосий фарқ килувчи жиҳатларини очиб беради, лекин уларни молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда эътироф этишдан олдин жавоб бериши лозим бўлган мезонларни аниқлаштирмайди.

Ҳисобот давридаги соф даромад ёки зарар қўйидаги элементлар асосида аниқланади, уларнинг ҳар бири молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда очиб берилиши лозим:

Хўжалик умумий фаолиятидан олинган даромад ёки кўрилган зарар;
Фавқулодда даромад (зарар);

Даромад солиги тўлангунга қадар умумий молиявий натижа (фойда ёки зарар);

Даромад солигидан ташқари соф фойда.

Молиявий натижаларни ифодаловчи муҳим кўрсаткичларни аниқлаш усулини қўйидаги чизмада кўриб чиқиш мумкин (2.1.-чизма).

Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа (Ямн)	=	Маҳсулотни (иш, хизматни) сотишдан келган соф тушум (Ст)	-	Сотилган маҳсулот (иш, хизмат) таннархи (Тн)
Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (Мфмн)	=	ЯМН - Давр харажатлари (Дх)	+	Бошқа операцион даромадлар (Бд)
Молиявий фаолият натижа си (Мфн)	=	Молиявий фаолиятдан келган даромадлар (Мфд)	-	Молиявий фаолиятга кетган харажатлар (Мфх)
Тасоддифий (фавқулотда) фойда ёки зарар (Тф) (Тз)	=	Тасоддифий даромад (Тд)	-	Тасоддифий харажат (Tx)
Солик тўлан-ганга қадарги умумий молиявий натижа	=	Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг	+	Мфн + Тф

фойда (Яф)	молиявий натижаси (Мфмн)		
Соф фойда (Сф)	= Солик тўлан-ганга қадарги умумий молия-вий натижа фойда Яф	- Солиқлар ва ажратмалар (С)	
Тақсимланмаган фойда (Тмф)	= Соф фойда (Сф)	- Двидендлар (Дв)	

1.1-Чизма. Корхонада молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни ва уларни аниқлаш йўллари

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ундан фойдаланувчиларга хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволидаги ўзгаришларни баҳолашга имкон беради, уларни ҳисобот даврида қанча пул тушгани ва қанча пул чиққани тўғрисидаги ахборот билан таъминлайди.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ахборотлари молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағларини ва уларнинг эквивалентларини жалб этиш қобилиятини баҳолашга база бўлиб хизмат қилиш билан фойдалидир. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот пул тушумлари ва тўловларини учта асосий тоифага ажратади:

- операцион фаолият;
- инвестиция фаолияти;
- молиявий фаолият.

Ҳар уч тоифанинг пул маблағига биргаликда таъсири ҳисобот даврида пул маблағининг соф ўзгаришини белгилаб беради. Пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ахборот бўлажак пул оқимлари прогнози тўғрилигини текшириш чоғида, фойда олиш ва пул оқимларининг соф ҳаракати ва нарх ўзгариши таъсири ўртасидаги алоқаларни таҳлил қилиш чоғида зарур бўлади.

Операцион фаолият - хўжалик юритувчи субъектнинг даромад келтирувчи асосий фаолияти, шунингдек субъектнинг инвестиция ва молия фаолиятига оид бўлмаган ўзга хўжалик фаолиятидир.

Инвестиция фаолияти - пул эквивалентларига киритилмаган узок муддатли активлар ва бошқа инвестиция объектларини сотиб олиш ва

сотишларни ўз ичига олади.

Молиявий фаолият - хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти бўлиб, унинг натижасида ўз маблағи ва қарз маблағлари микдори ва таркибида ўзгаришлар юз беради.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ҳисобот даври давомида операция, инвестиция ёки молиявий фаолият натижасида хўжалик юритувчи субъект олган пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши лозим бўлади.

Хорижий валютадаги операциялардан пул оқимлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан операция амалга оширилган кун учун белгилаб қўйилган алмаштириш қийматидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси валютасида акс эттирилади.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот. Хусусий капитал (сармоя) тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунида, БХМС да келтирилган².

Хусусий капитал (сармоя) - субъектнинг мажбуриятларни чегириб ташлагандан кейинги активларидир.Хусусий капитал (сармоя) таркибига:

- устав капитали;
- қўшилган капитал;
- резерв капитали;
- тақсимланмаган фойда (Қопланмаган заар) киради.

Хусусий капитал (сармоя) тўғрисидаги ҳисобот даври бошига ва охирига бўлган тегишли ахборотни очиб бериши керак.

Ҳисоботда хусусий капитал (сармоя) ва унинг таркибий қисмлари тўғрисидаги, устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитал, тақсимланмаган фойда (қопланмаган заар) сотиб олинган ўз акциялари ва бошқа хусусий капитал элементлари ҳақидаги ахборот очиб берилиши керак.

Ҳисоботда хусусий капитал (сармоя) таркибида бўлган ўзгаришлар: қимматли қоғозлар эмиссияси, узоқ муддатли активларнинг қайта баҳоланиши, устав капиталини шакллантириш чоғида валюта курсидаги фарқлар, резерв капиталга ажратмалар, жорий йилнинг тақсимланмаган фойдаси (заари), текинга олинган мол-мулк, пул дивидендлари ва акциялар кўринишида тўланадиган дивидендлар, шунингдек, хусусий капитални шакллантиришнинг бошқа манбалари тўғрисидаги ахборотлар очиб берилади.

² Узбекистон республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги коунун 2016 йил 13-апрель, 7-модда- Бухгалтерия ҳисоби обьектлари, 19-модда-Хусусий капитални ҳисобга олиш., 22- модда-Молиявий ҳисобот.

“Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботлар” Бухгалтерия ҳисоби миллӣ стандарти (1-сон БХМС)да (рўйхат раками 474-сон, 1998 йил 14 август, Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон)

Хусусий капитал (сармоя) тўғрисидаги ҳисоботда шунингдек чиқарилган акциялар сони, акцияларнинг номинал қиймати, муомаладаги акциялар сони тўғрисидаги ахборотлар ҳам очиб берилиши керак.

Қатнашчининг чиқиб кетиши, акциядорлик жамияти томонидан акцияларнинг сотиб олиниши ёки сотиб олинган акцияларни бекор қилиниши, акциялар номинал қийматининг пасайиши ёки бошقا сабабларга кўра камайиб кетганлиги ҳақидаги маълумотлар ушбу ҳисботга тушунтиришларда очиб ебрилиши керак.

Хусусий капитал (сармоя) тўғрисидаги ҳисботга тушунтиришда қуидагилар ҳақидаги ахборотлар келтирадилар:

- обуна амалга оширилиши назарда тутиладиган акцияларнинг умумий сони ва номинал қиймати;
- назарда тутилган миқдорлар билан таққослаганда обуна амалга оширилган акцияларнинг умумий миқдори ва номинал қиймати;
- акцияларга обунанинг бориши чоғида олинган маблағлар умумий суммаси;
- айрим турлар ва тоифалар бўйича устав капитали таркибидаги акциялар;
- имтиёзли акциялар бўйича тўланмаган жамланган дивиденdlар суммаси;
- акциялар кўринишида тўланадиган дивиденdlар, хусусан, тўланадиган акцияларнинг сони ва қиймати, шунингдек, уларнинг турлари ёки тоифалари тўғрисида;
- ҳисбот даврида юз берган майдалаш ёки қўшиб юборишлар ва акцияларнинг майдаланиши ёки қўшиб юборилишигача ва ундан кейинги акцияларнинг номинал қиймати тўғрисидаги.

Молиявий ҳисботга изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар. Молиявий ҳисботга шархлар. Турли хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг кўп қирралилиги ҳисобга олинади, молиявий ҳисботлар улардан фойдаланувчиларни иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган барча ахборот билан таъминлай олмайди, шу сабабли йиллик молиявий ҳисботларга қўшимча равишда маъмурият томонидан тузиладиган молиявий шарҳ киритилади, унда хўжалик юритувчи субъект молиявий фаолияти ва молиявий ҳолатининг асосий белгилари тушунтириб берилади ва улар дуч келаётган асосий ноаниқликлар баён қилинади. Бу шархда хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти натижаларига, фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш учун инвестиция сиёсатига, жумладан жорий даврда, хусусан келгуси даврларда дивиденdlар сиёсатига таъсир қилувчи асосий омиллар очиб

берилади.

Кўшимча ахборотни тақдим этиш - тушунтиришлар, изоҳлар ва ҳисоб-китоблар - хўжалик юритувчи субъект томонидан махсус шаклда ёки эркин шаклда тақдим этилади.

Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар жадваллар шаклида ҳам, бошқача тарзда ҳам бўлиши мумкин.

Молиявий ҳисботлар молиявий натижаларни ва бошқа хўжалик операцияларини акс эттиради, уларни молиявий ҳисботларнинг элементлари деб аталувчи иқтисодий тавсифларига мувофиқ алоҳида моддаларга гурухлайди. Активлар, хусусий сармоя ва мажбуриятлар бухгалтерия балансида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларини аниқлаш билан бевосита боғлиқ бўлган элементлариdir. Даромадлар ва харажатлар фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисботда хўжалик юритувчи субъектнинг қўрсаткичларини аниқлаш билан бевосита боғлиқ бўлган элементлариdir. Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисбот фаолият натижалари ва бухгалтерия баланси элементларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисботнинг элементлариdir.

1.3. Консолидациялашган молиявий ҳисбот, уни тузиш ва таҳлил этиш усуслари.

Мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви, халқаро иқтисодий муносабатларнинг фаоллашуви, чет эл инвестицияларининг мамлакатимиз иқтисодиётига кенг жалб этилиши хўжалик юритувчи субъектларга бухгалтерия ҳисоби юритиш ва молиявий ҳисбот тузишни ҳам жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш талабини қўймоқда.

Бу эса, молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига таянилган, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун ва бошқа меъёрий хужжатларга асосланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарт (БХМС) ларини ишлаб чиқиш заруриятини пайдо қиласди. Ушбу стандартлар бухгалтерия ҳисоби шакллари ва усусларини танлашда корхоналарнинг мустақиллигини.

Маълумки, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос ҳисоб тизими ва ҳисбот тузиш усуслари мавжуд. Лекин капиталнинг бир неча мамлакатлар миқёсида фаолият кўрсата бошлиши натижасида халқаро ҳисоб стандартларини ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлди. Ушбу масалани ҳал қилиш ва юзага келган муаммоларни бартараф этиш мақсадида 1973 йилда молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари бўйича қўмита ташкил этилиб, қўмита томонидан 2011 йил 21 феврал ҳолатига “Молиявий

хисоботнинг халқаро стандарти” номли 36 та халқаро стандарти ишлаб чиқилган. Бундан ташқари юқоридаги стандартларга 18 номдаги тушунтиришлар ҳамда 11 номдаги изоҳлар ишлаб чиқилган. Халқаро стандартларда белгиланган қоидалар тавсиявий тавсифга эга бўлиб.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи раҳбарлик қилиш, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Молия вазирлиги зиммасига юкланган. Молия вазирлиги бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва молиявий ҳисбот тузишда уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш йўналишида ишлар олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бугунги кунгача 0 дан 24-сонгача бўлган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ишлаб чиқилиб тасдиқланган. Уларда ҳисоб юритишнинг асосий тамойиллари ва қоидалари мужасамлашган шу вақтгача тасдиқланган ва амалиётда қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби стандартлари қуидагилардир (жадвал).

Ўзбекистон Республикасининг халқаро амалиётда қабул қилинган ҳисоб ва статистика тизимиға ўтиш бўйича қатор тадбирлар мажмуи амалга ошириб келинмоқда

Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга трансформациялаш. Трансформация латинча *transformatio* сўзидан олинган бўлиб – ўзгартириш, қайта ташкил этиш деган маънони англатади.

Бухгалтерия ҳисобида трансформация деганда мамлакатимизда амал қилинган қонунчиликка мувофиқ ҳисоб тизимидағи қоидалар, тамойиллар, усул ва услубларни ҳамда ахборотларни бошқа мамлакат ёки халқаро қоидаларига мувофиқлаштирган ҳолда айлантиришга айтилади.

Молиявий ҳисбот трансформацияси - бу ҳисбот санаси ҳолати бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида тузилган ҳисбот компонентлари моддаларини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари қоидаларига мувофиқ ҳолда қайта гурухлаштириш, уларнинг моддаларини қайта тан олиш, қайта баҳолаш, тўғирлашлар киритиш ва қайта очиқлашлар асосида МҲҲСлари ҳисботлари ахборотларининг янги тизимиға ағдариш ва қайта ташкил қилиш жараёни тушунилади.

Молиявий Ҳисботнинг Халқаро Стандартлари (МҲҲС) қўлланилиши мажбурий характердаги ҳужжат эмас, у тавсиянома характерига эга. Унда миллий стандартларидаги каби корхоналар тақдим этиши шарт бўлган молиявий ҳисбот шаклларини белгиламайди. МҲҲСлари молиявий ҳисботнинг асосий компонентлари ва уларда акс эттириладиган минимал ахборотлар таркибини белгилайди. МҲҲСларини

қўллаш компаниянинг мутлақ ваколатидаги масаладир.

МХХСларига ўтиш ёки БХМСлари асосида тузилган МХХСлари асосида молиявий ҳисобот тузиш қўйидаги имкониятларни яратилади:³

МХХСларига ўтиш ёки БХМСлари асосида тузилган МХХСлари асосида молиявий ҳисобот тузиш қўйидаги имкониятларни яратади: компания фаолияти натижаларининг шаффоғлигини оширади; ахборот фойдаланувчиларда битта компания доирасида молиявий кўрсаткичларни даврлар бўйича ҳамда бир нечта хил компаниялар бўйича эса таллуқли кўрсаткичларни бир-бирига солиштириб таҳлил ўтказиш имконияти туғилади; кредиторлар, акциядорлар, кредит берувчи ташкилотларда компанияга ишонч ошади ва юқори ишонч билан компания фаолиятига пул қўяди, компаниянинг кредит олиш имконияти кенгаяди; хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик юксалади; дунё бозорларига чиқиш, хомашё, валюта, меҳнат биржаларига, ҳалқаро капитал бозорига чиқиш имкониятлари туғилади; компания менежерларига бошқарув қарорларини қабул қилишлари учун ишончли, объектив, уйғун ҳамда ўз вақтида тизимлашган молиявий ахборотларни олиш имкониятлари юзага келади; компания фаолиятини бюджетлаштириш, режалаштириш ва стратегик ривожланишини баҳолашда зарур ахборотлар таъмин этилади; компания бошқариш механизмларини такомиллаштириш, компания рақобатбардошлигини ошириш, маҳсулот сифатини ошириш ва экспорт салоҳиятини юксалтиришга эришилади; компанияларда коррупция элементлари, сустеймоллик қилиш, солик объектларини яшириш, талон-тарож қилиш, маҳаллийчилик, хўжасизлик, банкротлик ҳолатига олиб келиш ҳолатлари барҳам топади; меҳнатни рағбатлантириш тизими тубдан яхшиланади, моддий манфаатдорлик ошади. кучли назорат тизими ўрнатилади; маънавий муҳит барқарорлашади; ходимларда ишига, компаниясига ва ватанига содиқлик хислатлари бир-бирига уйғунлашади; ходимларда ўз устида ишлаш ва малакасини мунтазам ошириш имкониятлари туғилади; професионалликка қизиқиш ва ҳаракат кучаяди.

МХХСларига исталган пайтда, тайёргарликсиз, тўғридан-тўғри ўтиб бўлмайди. Агарда тайёргарликсиз молиявий ҳисобот МХХСлар бўйича трансформация қилинган тақдирда ҳам кутилган натижани бермайди. Шу боис, МХХСларни биринчи марта қўллашда ёки миллий стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботни трансформация қилишдан олдин муҳит, шарт-шароит ва маълум тайёрғанлик ишлари олиб борилиши шарт.

Бу боради мамлакатда молия, пул-кредит, солик, меҳнат

³ “Иктисадиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2017 йил № 5 3, 2017 www.iqtisodiyot.uz

қонунчилиги дунё стандартларига уйғун бўлиши, миллий валютанинг эркин конвертацияланишига эришиш, юқори инфляция даражаси бўлмаслиги, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари МҲҲСларига уйғун бўлишини, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботни тузиш ва тақдим этишда меъёрий-хукуқий ҳужжатлар, низомлар, йўриқномалар ва қоидалар ҳам босқичма-босқич халқаро стандартларга мослаштирилши, профессионал бухгалтерлар институтини ташкил этиш, сертификатли бухгалтер ва аудиторларнинг профессионал малакасини ошириш, САР ва СИРА сертификатларининг кенг жорий қилиш, бухгалтерларнинг чет элларда малака оширишини, чет тилларини ўрганиши (IELTS), амалиётчи бухгалтерларда халқаро дастурларда ишлаш кўникмаларини шакллантириш, компаниялар, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни йўлга қўйиш, моддий рағбатлантириш тизими, этика қоидаларини белгилаш, ҳисоб сиёсатини мукаммаллаштириш, халқаро стандарт талабларига мувофиқ ишчи счетлар режасини ишлаб чиқишига эришиш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботни маҳсус дастурлар асосида юритилишини такомиллаштириш лозим.

Трансформация жараёнининг асосий муҳим қоидалари:

- МҲҲСлари бўйича ҳисоб юритиш ҳар бир компаниянинг мустақил ҳал қиласиган иши, унинг зарурлигини ва унга ўтишни мустақил белгилайди;
- МҲҲСлари мажбурий эмас, ушбу ҳужжат фақат ҳаракат қилишга туртки беради;
- МҲҲСларида бўйича ҳисоб юритишда иқтисодий мазмуннинг шаклдан устунлиги амал қиласи;
- МҲҲСлари адолатли баҳолашга устувор аҳамиятни қаратади;
- МҲҲСлари бўйича ҳисоб юритиш усулини (трансформация ёки параллель ҳисоб юритиш) танлаш компаниянинг ички иши;
- трансформациянинг ягона алгоритми ва кетма-кетлиги йўқ;
- трансформацияга ҳар бир ҳолатда индивидуал ёндашилади;
- трансформация мураккаб жараён, профессионал ёндашувни талаб қиласи;
- трансформациянинг методикаси ва босқичлари мустақил белгиланади;
- реклассификация, қайта баҳолаш, корректировка проводкалари трансформациянинг асосий усулларидир.

Биринчидан, миллий стандартлар бўйича тайёрланган молиявий ҳисбот компонентлари, шунингдек баланс, фойда ва заарлар ва бошқа

ҳисобот моддаларининг кенгайтмалари акс эттирилган аналитик ҳисоб маълумотлари, керак бўлса бошланғич ҳужжатларни тайёрлаш лозим.

Иккинчидан, активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал элементларини қайта классификациялаш, қайтадан баҳолаш ўтказиш. Фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботда ҳам ҳар бир тегишли моддани халқаро стандартларга мос ҳолда қайта классификация қилиш ва баҳолаш. Худди шунингдек, бошқа ҳисобот моддаларини ҳам бирма-бир халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш чораларини ишлаб чиқиш керак.

Учинчидан, МҲҲСлари даражасига етказиш учун тегишли тўғирлашлар киритиш, қўшимча проводкалар жадвалини ишлаб чиқиш керак.

Тўртинчидан, тегишли тўғирлашлар бухгалтерия проводкалари ёрдамида киритилгандан кейин МҲҲСлари талабларига мувофиқ келадиган ҳисоботни тузиш.

Бешинчидан, МҲҲСларига ўтишда атамалардан тўғри фойдаланиш муҳим роль ўйнайди. Миллий стандартлар асосида тузилган ҳисоботлардаги атамалар, кўрсаткичларнинг номланиши, уларнинг қисқармасини халқаро стандартларга мос келадиган атамаларга ўтказиш лозим. Агарда кўрсаткич қайта гурухланиш, баҳолаш асосида қиймати халқаро стандартларга мувофиқ келсада унинг номланиши мувофиқ бўлмаса, уни ўқиши қийинлашади, чалкашликларга олиб келади. Шу боис, атамалар тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш лозим бўлади.

Миллий стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботга трансформация қилишнинг ягона методологияси мавжуд эмас. Ҳар бир корхона ўзининг молиявий- хўжалик фаолияти хусусияти, ресурси ва ходимларининг професионал даражасидан келиб чиқиб трансформация жараёни методологиясини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Молиявий ҳисобот трансформациясини амалга ошириш учун куйидаги шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак:

- компанияда МҲҲСлари бўйича тузилган молиявий ҳисоботига зарурият бўлиши керак.
- миллий стандартлар асосида тайёрланган молиявий ҳисобот объектив, ишончли, уйғун ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисоби Миллий Стандартларига тўлиқ мувофиқ келиши керак.
- корхонанинг замонавий менежмент, бошқарув тизими мавжуд

бўлиши керак.

- компания барқарор молиявий ҳолатга эга бўлиши керак.
- компанияда МҲҲСларини биладиган, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот соҳасида чуқур профессионал тайёргарликка эга бўлган, иқтисодий математикани қўллай оладиган мутахассисларга эга бўлиши керак.

IV. АМАЛИЙ МАШФУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-модул. Бухгалтерия баланси ва унинг таркибий тузилиши.

Бухгалтерия баланси активи ва пассиви таҳлилининг хусусиятлари.

Назорат учун саволлар

Бухгалтерия баланси нима?

Бухгалтерия балансини тавсифлаб беринг?

Бухгалтерия баланси турларини ажратинг ва таснифланг?

Бухгалтерия балансини тузиш коидаларини таснифланг?

Активлар нима?

Капитал нима?			
Мажбуриятлар нима?			
Балансга иловалар, кайдлар ва тушунтиришларни изохланг?			
Бухгалтерия баланси ва унинг таркибий тузилишини таснифланг?			
Баланс моддалари ва унинг бошқа молиявий ҳисоботлар маълумотларига мослигини тушунтиринг ?			
Бухгалтерия балансини “ўқиш”ни таснифланг?			
Бухгалтерия балансининг горизонтал таҳлили?			
Бухгалтерия балансининг вертикал таҳлили?			
Бухгалтерия балансининг трендли таҳлили нима?			
Корхона молиявий ҳолатининг таҳлили?			
Корхоналар иқтисодий салоҳияти нима?			
Корхона иқтисодий салоҳияти таркибига нималар киради?			
Корхона иқтисодий салоҳиятнинг кўрсаткичлар тизими?			
Корхона иқтисодий салоҳият самарадорлиги ва унинг таҳлили?			
Корхоналар молиявий салоҳияти нима?			
Корхона молиявий салоҳияти таркибига нималар киради?			
Корхона молиявий салоҳияти кўрсаткичлар тизими ва уларнинг таҳлили?			
Корхона молиявий салоҳияти самарадорлиги ва унинг таҳлили?			
Бухгалтерия баланси моддаларининг ликвидлилик бўйича туркумланиши?			
Доимий харакатдаги активлар нима?			
Тез пулга айланадиган активларга нималар киради?			
Секин пулга айланадиган активларга нималар киради?			
Қийин пулга айланадиган активларга нималар киради?			
Тўлов муддати келган мажбуриятларга қандай мажбуриятлар киради?			
Қисқа муддатли мажбуриятлар нима?			
Узоқ муддатли мажбуриятлар нима?			
Доимий пассивлар нима?			
Ликвидликни мутлақ ва нисбий ифодалари?			
1-топшириқ. Ўзбекистон темир йўллари АЖ нинг қисқартирилган бухгалтерия баланси асосида дастлабки хулоса тайёрланг:			
Кўрсаткичлар	Давр бошига	Давр охири	Фарқи, +,-
АКТИВ			
1. Узоқ муддатли активлар	10 219 731 945	12 593 199 960	2 373 468 015
Асосий воситалар бошланғич қиймати	10 527 417 487	14 773 593 626	4 246 176 139
Асосий воситалар эскириш қиймати	3 423 307 367	4 320 658 666	2 991 241 501
Асосий воситалар қолдиқ қиймати	7 104 110 120	10 452 934 960	3 348 824 840
Номоддий активлар қолдиқ қиймати	417 151	345 379	71 772
Капитал қўйилмалар	2 834 711 892	1 572 602 311	1 262 109 581

Бошқа узоқ муддатли активлар	280 492 782	567 317 310	6 331 746
2.Жорий активлар	2 978 372 713	11 683 693 105	8 705 320 392
Ишлаб чиқариш захиралари	819 530 511	1 047 437 972	227 907 461
Келгуси давр харажатлари	1 366 091 169	8 441 062 224	7 074 971 055
Пул маблағлари	171 917 383	468 669 767	296 752 384
Бошқа жорий активлар	117 495 315	160 480 738	42 985 423
Дебиторлар, жами	503 338 335	1 566 042 404	1 062 704 069
Шу жумладан:			
Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар	163 855 350	268 038 094	104 182 744
Бюджетта аванс тўловлари	7 740 384	5 252 951	2 487 433
Баланс актив бўйича жами	13 198 104 658	24 276 893 065	11 078 788 407
ПАССИВ			
1.Ўз маблағлари манбаси	7 745 794 466	10 124 233 076	2 378 438 610
Устав капитали	614 384 306	828 202 670	213 818 364
Резерв капитали	5 737 851 427	8 121 422 920	2 383 571 493
Тақсимланмаган фойда	507 693 607	223 400 675	284 292 932
Бошқа манбалар	885 865 126	951 206 811	65 341 685
2. Мажбуриятлар	5 452 310 192	14 152 659 989	8 700 349 797
Узоқ муддатли банк кредитлари ва қарзлари	4 675 490 146	12 304 013 149	7 628 523 003
Бошқа мажбуриятлар	14 744 216	8 878 479	5 865 737
Кредиторлик мажбуриятлари, жами	762 075 830	1 839 768 361	1 077 692 531
Шу жумладан:			
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга мажбуриятлар	219 818 890	514 650 184	294 831 294
Бюджетта мажбуриятлар	20 798 130	62 317 043	41 518 913
Баланс пассиви бўйича жами	13 198 104 658	24 276 893 065	11 078 788 407

Хулоса: корхонанинг жами активлар хажми давр бошига нисбатан 11 078 788 407 минг сўмга ортган. Шундан узоқ муддатли активлар хажми 2 373 468 015 минг сўмга, жорий активлар хажми 8 705 320 392 минг сўмга ортган.

Капитал ва мажбуриятлар хажми давр бошига нисбатан мос равишда 2 378 438 610 минг сўм ва 8 700 349 797 минг сўмга ортган.

Корхонада жами пассивлар таркибида ўз маблағлари (хусусий капитал) даражаси давр бошида 58.6 фоизни ташкил этган бўлса давр охирига келиб 41.7 фоизга тушган. Жорий даврдаги ушбу ўзгариш асосан узоқ муддатли қарз капиталининг кескин равишда ортиши ҳисобига рўй берган.

2-топшириқ. Бухгалтерия баланси активи ва пассивини ўқиши асосида хулоса тайёрланг

Мол-мулк таркиби	Йил бошига	Йил охирига	Маблағлар манбаси	Йил бошига	Йил охирига
Узок муддатли активлар(сатр 012+022+030+090+100+110+120)	10 219 731 945	12 593 199 960	Ўз маблағлари манбалари (сатр.410+420+430+440+450+460+470)	7 745 794 466	10 124 233 076
Жорий активлар	2 978 372 713	11 683 693 105	Мажбуриятлар	5 452 310 192	14 152 659 989

Шу жумладан:			Шу жумладан:		
Товар моддий захиралар (сатр 150+160+170+180)	819 530 511	1 047 437 972	Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр 500+510+520+530+540+550+560+570+580+590)	4 675 490 146	12 304 013 147
Келгуси давр харажатлари (сатр 190)	1 366 091 169	8 441 062 224			
Кечиктирилган харажатлар (сатр 200)	-	-			
Дебиторлар жами : (сатр 220+240+250+260+270 +280+290+300+310)	503 338 335	1 566 042 404	Жорий мажбуриятлар, жами (сатр, 610+620+630+640+650+660+670+680+690+700+710+720+730+740+750+760) шу жумладан:		
Пул маблаглари, жами (сатр.330+340+350+360)	171 917 383	468 669 767	Қисқа муддатли кредитлар ва карзлар(сатр 730+740)	14 744 216	8 878 479
Қисқа муддатли инвестициялар (сатр 370)	-	-	Узоқ муддатли кредитларнинг жорий кисми(сатр 750)	-	-
Бошқа жорий активлар (сатр 380)	117 495 315	160 480 738	Кредиторлик карзлари сатр, 610+620+630+640+650+660+670+680+690+700+710+720+760	762 075 830	1 839 768 361
Баланс активининг жами	13 198 104 658	24 276 893 065	Баланс пассивининг жами	13 198 104 658	24 276 893 065

Хулоса: корхонада жами активлар суммаси йил бошида 13 198 104 658 минг сумни ташкил этган ва шундан узоқ муддатли активлар суммаси 10 219 731 945 минг сумни, жорий активлар суммаси эса 2 978 372 713 минг сумни ташкил этган. Жорий активлар таркибида захира ва ҳаражатлар давр бошида 819 530 511 минг сўмни давр охирида 1 047 437 972 минг сўмни ташкил этган. Пул маблағлари давр бошида 171 917 383 минг сўмни, давр охирида эса 468 669 767 минг сўмни ташкил қилган. Дебиторлик мажбуриятлари давр бошида 503 338 335 минг сўмни, давр охирида 1 566 042 404 минг сумни ташкил этган.

Активларнинг манбалаш юзасидан корхона пассивлари қуйидаги таркибда шаклланган. Давр бошига 7 745 794 466 минг сўмлик ўзлик маблағлари манбасига ва 5 452 310 192 минг сум мажбуриятларга, давр охирига келиб эса 10 124 233 076 минг сўм ўзлик маблағлари манбаси ва 14 152 659 989 минг сўм мажбуриятлар суммаси мавжудлиги қайд этилган.

2-амалий машғулот.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот таҳлили Назорат учун саволлар

Молиявий натижалар нима?

Молиявий натижага дахлдор элементлар ва уларнинг таснифи?

Даромадлар нима?

Ҳаражатлар нима?

Фойда ва заарлар нима?

Молиявий натижаларни ъарактерловчи кўрсаткичлар тизими?

Молиявий натижалар, фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг аҳамияти?

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузишнинг муҳим қоидалари?

Молиявий натижалар таҳлилини мақсади ва вазифаларини тушунтиринг?

Умумий молиявий натижалар, уларнинг таркиби, тузилиши ва кўрсаткичларнинг бир-бiri билан боғлиқлиги изохланг?

Молиявий натижа, фойда ва рентабеллик кўрсаткичларини баҳолаш ва таҳлил қилиш йўлларини тушунтиринг?

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ва асосий бўлмаган фаолиятидан олинган даромадларига нималар киради?

Маржинал фойда қандай аниқланади?

Маржинал фойда таҳлили мазмуни?

Маҳсулот сотишдан кўрилган ялпи фойда ва унга таъсир этувчи омилларга нималар киради?

Харажатларнинг турлари ва уларнинг тавсифи?

Харажатларни баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари?

Харажатлар ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ва уларни ҳисоблаш йўллари?

Асосий ва умумхўжалик фаолияти фойдаси (зарари) нима?

Асосий фаолиятдан фойда заарлар қандай аниқланади?

Фавқулодда фойда ва заарлар нима?

Солиқ тўлангунга қадар фойда таҳлили мазмуни?

Бюджетга тўловлар ва ажратмалар таҳлилини тушунтиринг?

Солиқ тўловлари динамикаси, уларнинг натижавий кўрсаткичлар билан қиёсий таҳлили?

Корхоналарда солиқ юкини ҳисоблаш йўллари?

Соф фойда ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили?

Рентабеллик кўрсаткичлари ва уларга таъсир этувчи омиллар таҳлили?

Фойда ва рентабелликни ошириш имкониятларини таснифланг?

4-топшириқ. Ўрнатилган номенклатура (ассортимент) бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш режа бажарилишини таҳлили.

Маҳсулот номлари	Маҳсу-лот бирлигин инг баҳоси, сўмда	Ишлаб чиқарилган маҳсулот микдори (дона)			Ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати минг сўмдан		
		Режа	Хақи-қатда	Режа бажа-рилиши	Ре-жа	Хақи-қатда	Белгилан-ган ассорти-мент ҳисобига
A	1	2	3	4	5	6	7
1 маҳсулот	12000	840	857				
2 маҳсулот	13200	1355	1440				
3 маҳсулот	8400	780	510				
4 маҳсулот	9700	600	600				
5 маҳсулот	8850	1100	1220				

5-топшириқ. Қўйида берилган жадвал маълумотларига асосан умумлашган кўрсаткични аниқланг ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқланг.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Бизнес режада	Хақиқатда
1. Ишчиларнинг рўйхатдаги ўртacha сони	киши	130	135
2. Бир ишчи томонидан бир йилда ўртacha ишланган киши-кунлари.	кун	240	210
3. Иш куни узунлиги	соат	8,00	7,65

З-амалий машғулот.

Хўжалик юритувчи субъектларда пул оқимларининг таҳлили.

Назорат учун саволлар

Пул маблағларини оқилона бошқариш нима учун зарур?

Пул оқимларининг соф ҳаракати нима?

Пул маблағларига қандай маблағлар киради?

Пул эквивалентларига нималар киради?

Пул оқимлари деганда нимани тушунасиз?

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисботнинг тузилиши ва мазмунини тушунтиринг?

Операция фаолиятдан пул оқимиға нималар киради?

Инвестиция фаолиятидан пул оқимиға нималар киради?

Молиявий фаолиятдан пул оқимиға нималар киради?

Пул оқимини таҳлил этишни ўрганиш мақсади ва вазифалари?

Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар ва уларнинг камчиликлари?

Корхонанинг пул маблағлари билан таъминланганлиги ва улар оқимини таҳлил қилишнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтиринг?

Тадбиркорлик субъектларининг даромад келтирувчи фаолият турларига нималар киради?

Пул маблағларидан самарали фойдаланишни ташкил этишни қандай йўлга қўйиш мумкин?

Пулни айланиш доиравий айланишларини тармоқ ва фаолият турлари бўйича фарқланишини тушунтиринг?

Пул оқими тўғрисидаги ҳисботнинг тузилиши ва асосий элементларини таснифланг?

Пул оқимининг йўналишлари (cash flow) нималар киради?

Соф пул оқимининг горизонтал ва вертикал таҳлилини тушунтиринг?

Асосий фаолиятдан пул оқимини таркибий таҳлили?

Пул оқимларининг башоратлаш қандай амалга оширилади?

Асосий фаолият, молиявий ва инвестицион фаолиятдан пул оқимлари таҳлилини тушунтиринг?

Пул оқимларини таҳлил қилишнинг тўғри ва эгри услубини тушунтиринг?

Пул оқимларини бошқаришнинг омилли таҳлилини изохланг?

Пул оқимлари ҳаракатини тезлаштириш имкониятларини аниқлаш?

Пулнинг муддатдаги қиймати, фоиз ставкалари ва уларни ҳисоблаш усулларини тушунтиринг?

Валюта маблағлари ҳаракатининг таҳлилини тушунтиринг?

Пул оқимларидаги ўзгариш тенденцияларини таҳлилини тушунтириб беринг.

Фоиз ставкалари ва уларни ҳисоблаш усулларини таснифлаб беринг?

Валюта маблағлари ҳаракатининг таҳлилини тушунтиринг?

6-топшириқ. Пул маблағлари оқимини баҳолаш ҳисоб-китоби асосида хуоса тайёрланг

№	Кўрсатичлар	Пул оқими			
		Кирим		Чиқим	
		Суммаси М.с.	Салмоғи %	Суммаси М.с.	Салмоғи %
1.	Асосий фаолиятдан	795019	98.69	-	-
2.	Инвестиция фаолиятидан	-	-	213370	46.65
3.	Молиявий фаолиятдан	10541	1.31	-	-
4.	Тўланган солиқлар	-	-	243994	53.35
5.	Жами пул маблағларининг ҳаракати:	805560	100	457364	100

**7-топшириқ. Хўжалик фаолиятидаги пул маблағлари
харакатининг таҳлили асосида хулоса тайёрланг**

Кўрсаткичлар	Сатр рақами	Пул маблағлари кирими		Пул маблағлари Чиқими	
		Сумма, минг сум	Жамига нисбатан салмоғи,%	Сумма, Минг сўм	Жамига нисбатан салмоғи,%
1	2	3	4	5	6
1.Махсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари	010	1273588	66.67	-	-
2.Материал, товар, иш ва хизматлар учун мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари	020	-	-	271348	24.33
3. Ходимларга ва улар номидан тўланган пул маблағлари	030	-	-	616535	55.28
4.Операцион фаолиятнинг бошқа тушумлари тўловлари пул ва	040	636669	33.33	227355	20.39
Жами:	-	1910257	100	1115238	100
Операцион фаолиятнинг соф ёки пул кирими чиқими	050	795019	41.62	-	-

4-амалий машғулот

Хусусий капитал ва унинг ўзгаришини таҳлили. Хусусий капитал даромадлиги (рентабеллиги)нинг таҳлили.

Назорат учун саволлар

Хуссуий капитал нима?

Хуссуий капитал тарикбий элементларига нималар киради?

Хуссуий капитал билан ўз маблағлари манбаси орасида фарқ борми?

Хусусий капитал тўғрисидаги хисобтни тузиб тартиби ва қоидаларини тушунтиринг?

Устав капитали қандай шакллантирилади ва унинг ўзгариш сабабларини, йўлларини таснифлаб беринг?

Резерв капитали қандай шакллантирилади ва нималарга ишлатилади?

Кўшилган капитал қандай шаклланади?

Тақсимланмаган фойда (қопланмаган заар) балансда акс эттириш тартибларини тушунтиринг?

Сотиб олинган хусусий акциялар қаторида нималар, қачон ва қандай акс этади.

Мақсадли тушумлар ва молиялаштиришлар нима?

Келгуси давр тўловлари захираси қандай шакллантирилади?

Хусусий капиталнинг ўзгариши, динамикасини таҳлил этиш нимага керак?

Хусусий капитал ва унинг даромадлигини таҳлилини қимлар ва нима мақсадда ўтказадилар?

Хуссий капиталнинг рентабеллиги қандай аниқланади ва унинг ўзгаришига қандай омиллар таъсир этади?

Молиявий леверидж нима уни аниқлаш тартибларини тушунтиринг?

Молиявий ва ишлаб чиқариш левериджларини боғлиги мавжудми?

Хусусий капитал билан боғлиқ бўлган кўрсаткичларга, молиявий коэффицентларга қайси кўрсаткичлар киради?

Соф активлар нима?

Соф активлар қандай аниқланади ва унинг мазмуни нима?

8-топширик. Хусусий капитал тўғрисидаги хисобот ва унинг таркибий бирликлари (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ) асосида хулоса тайёрланг

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Устав капитали	Кўшилган капитал	Резерв капитали	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган заар)	Сотиб олинган хусусий акциялар	Мақсадли тушумлар ва бошқалар	Жами
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Йил бошидаги қолдик	010	614 384	-	5 737 851	507 694	-	885 865	7 745 794
Қимматли қоғозлар эмиссияси	020	213 818	-	x	x	x	x	213 818
Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш	030	x	x	2 383 571	x	x	x	2 383 571
Устав капиталини шакллантиришда	040	x	-	x	x	x	x	-

пайдо бўлган валюта курси фарқлари								
Резерв капиталига ажратмалар	050	x	x	-	-	x	x	-
Жорий йилнинг тақсимланмаган фойдаси (зарари)	060	x	x	x	-	x	x	-
Текинга олинган мол-мулк	070	x	x		x	x	x	-
Мақсадли фойдаланиш учун олинган маблағлар	080	x	x	x	x	x	-	-
Ҳисобланган дивидендлар	090	x	x	x	284 293	x	x	-284 293
Хусусий капитал шаклланишининг бошқа манбалари	100	-	-	-	-	-	65 341	65 341
Иил охиридаги қолдик	110	828 203	-	8 121 423	223 400	-	951 207	10 124 233
Хусусий капиталининг қўпайиши (+) ёки камайиши (-)	120	+213 818	-	+2 383 571	-284 293	-	+65 341	+2 378 439
МАЪЛУМОТ УЧУН:								
Чиқарилган акциялар сони, дона ⁴	130	x	x	x	x	x	x	1830762911
шу жумладан:								
имтиёзли	131	x	x	x	x	x	x	
оддий	132	x	x	x	x	x	x	1830762911
Акциянинг номинал қиймати	140	x	x	x	x	x	x	430
Муомаладаги акциялар сони, дона	150	x	x	x	x	x	x	1830762911
шу жумладан:								
имтиёзли	151	x	x	x	x	x	x	
оддий	152	x	x	x	x	x	x	1830762911

**9-топшириқ. Хусусий капиталнинг горизонтал ва вертикал
таҳлили асосида хulosса тайёрланг**

Кўрсаткичлар	Давр боши		Давр охири		Фарқи, +,-		Ўсиши ,
	Сумма	Фоиз,	Сумма	Фоиз,	Сумма	Фоиз,	

⁴ Ўзбекистон темир йўллари АЖ устави(яниги таҳрири) 2017 йил 23-октябр-22-сон, №-397778 27.10.2017

		%		%		%	%
Ўз маблағлари манбаси жами	7 745 794 466	100	10 124 233 076	100.00	+2378438 610	0.00	130,7
Устав капитали	614 384 306	7.92	828 202 670	8.19	+2138183 64	+0,27	134,8
Қўшилган капитал	-	-	-	-	-		
Резерв капитали	5 737 851 427	74.08	8 121 422 920	80.22	+2383571 493	+6,14	141,54
Сотиб олинган хусусий акциялар	-	-	-	-			
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	507 693 607	6.55	223 400 675	2.08	- 28429293 5	-4,47	-44,0
Мақсадли тушумлар	885 865 126	11.44	951 206 811	9.41	+6534168 5	-2,03	107,4
Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар							

Хуноса: Акционерлик жамиятида ўз маблағлари мнабаси давр бошига нисбатан +2378438610 минг сўмга ортган. Ўсиш даражаси 130.7 фоизни ташкил этган. Шу жумладан устав капиталининг ўзгариши мос равишда +213818364 минг сўмга, резерв капиталининг ўзгариши +2383571493 минг сўмга, мақсадли тушумлар, келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар хажми +65341685 минг сўмга ортган. Ўз маблағлари таркибида тақсимланмаган фойда суммаси давр бошига нисбатан -284292935 минг сўмга қамайган.

V.МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

- 1.Хўжалик юритувчи субъектларни бошқаришда молиявий ҳисобот таҳлилиниг тутган ўрни, аҳамияти ва вазифалари.
2. Молиявий ҳисобот таҳлилиниг предмети, мазмуни ва вазифалари.
3. Молиявий ҳисобот таҳлилиниг методи ва унда қўлланиладиган усуллар.
4. Молиявий ҳисобот таҳлилиниг оддий-анъанавий усуллари ва уларнинг таҳлилни ўтказишдаги аҳамияти.
5. Молиявий ҳисобот таҳлилиниг иқтисодий-математик усуллари ва уларнинг таҳлил жараёнида қўлланилиши.
6. Молиявий ҳисобот таҳлилиниг таҳлилни ташкил этиш ва унинг ахборот манбалари.
7. Иқтисодиёт субъектлари маркетинг фаолиятини таҳлили .
- 8.Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва динамикасини таҳлили.
- 9.Маҳсулот сотиш ҳажми ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили .
- 10.Маҳсулот номенклатуроси ва ассортименти ҳажмининг таҳлили.
- 11.Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида маҳсулот турларини янгилашнинг аҳамияти.
- 12.Маҳсулот сифати ва рақобатга бардошлилигини таҳлили.
- 13.Маҳсулот сифатини таҳлил қилиш усуллари.
- 14.Молиявий ва бошқарув таҳлилиниг предмети ҳақидаги илмий назариялар.
- 15.Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларининг таҳлили ва уни такомиллаштириш.
- 16.Маҳсулот сотиш ҳажмларининг таҳлили ва унга таъсир этувчи омиллар.
- 17.Иқтисодиёт субъектларида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили.
- 18.Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режасининиг бажарилишини таҳлили.
- 19.Маҳсулотни сифатлилик даражасини таҳлили.
20. Маҳсулот ҳажмини ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили
21. Маҳсулот ҳажмини ўзгаришига таъсир этувчи меҳнат омилларини таҳлили.
- 22.Маҳсулот ҳажмини ўзгаришига таъсир этувчи меҳнат воситалари омилларини таҳлили.
- 23.Маҳсулот ҳажмини ўзгаришига таъсир этувчи меҳнат буюмлари

омилларини таҳлили

24.Маҳсулот сотишдан олинган ялпи молиявий натижаларни таҳлили

25.Корхонани иқтисодий салоҳиятини таҳлили

26.Маркетинг тизимидағи таҳлил турлари ва уларнинг асосий
усуллари.

VI. ГЛОССАРИЙ

Ўзбек тилида	Инглиз тилида	Рус тилида	Мазмуни
Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози	Global financial-economical crisis	Мировой финансово-экономический кризис	инқирознинг турли сабаблар туфайли бир давлат доирасидан чиқиб таҳликали тарзда дунё бўйича ёйилиши. 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг асосий жиҳатлари рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халкаро савдо хажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талафотларнинг содир бўлиши билан изоҳланади.
Инқирозни кўлами, доираси ва оқибатлари	Sphere of crisis and its consequences	Диапазон и последствия кризиса	ҳар қайси давлатнинг молия-валюта тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тўзилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада — мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлиқ даражасига боғлиқ.
Молиявий таҳлилнинг зарурияти	Essence of financial analysis	Необходимость финансового анализа	молиявий ҳисботларда акс этган маълумотлар базасига таянган ҳолда корхонанинг муайян санага бўлган ҳолатига баҳо бериш орқали мавжуд ҳолат ва уни истиқболдаги кутилишини мақсадли бошқариш юзасидан бошқарувчиларга ахборотлар базасини шакллантириб беришдаги сай ҳаракатлар ташкил этади
Молиявий ҳолатни билиш	Knowing financial position	Изучение финансового состояния	бизнеснинг кўламдорлигига, фаолият самараси ва натижавийлигига, активлар ва уларнинг манбаланишидаги реал ҳолатга, субъектларнинг бозордаги ва ишдаги активлик даражасига, маблағлар айланувчанлиги, тўловга қобилллик ва қодирлик даражасига, салоҳият даражасига баҳо бериш усули
Ахборотларни ўқиш	Reading information	Чтение информации	методик асосга таянган ва тартибли қоидаларга амал этган ҳолда манбаларни таснифий баёнлаш
Иқтисодий ташхис кўйиш	Economical diagnosis	Постановка экономического диагноза	хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёридаги иқтисодий ресурсларни, уларнинг молиявий тўзилмасини, ликвидлиги ва тўловга қобилллигини, молиявий барқарорлигини, даромад ва ҳаражатларини, пул оқимлари ўрганиш орқали

			мавжуд ҳолатга ва уларнинг кутилишига баҳо беришда таҳлилнинг расмий якуни
Молиявий таҳлил	Financial analysis	Финансовый анализ	молиявий ҳисбот маълумотлари асосида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатига, ҳамда уларнинг яқин келажакдаги кутилишларига баҳо бериш юзасидан ўтказиладиган таҳлилдир
Бошқарув таҳлили	Managerial analysis	Управленческий анализ	хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги иқтисодий жараёнлар, уларнинг самарадорлигини ва уларнинг яқин келажакдаги кутилишини ички маълумотлар базасига таянган ҳолда аниқ бошқарув қарорларини қаъбул этиш юзасидан ўтказиладиган таҳлилдир
Корхонанинг молиявий ҳолати	Financial state of entity	Финансовое состояние предприятия	деганда корхоналарнинг активлари, капитали ва мажбуриятларини таркибий тўзилиши, тўловга қобиллик ва ликвидлилик, даромад ва ҳаражатларини баҳолаш, пул оқими ва молиявий барқарорликни тавсифловчи кўрсаткичларнинг муҳим жиҳатлари мажмууси тушунила
Молиявий таҳлил мазмуни	Content of financial analysis	Содержание финансового анализа	хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини муайян даврийлиқда, ахборотлар оқимини узлуксиз жараёнида жорий ва истиқболли тактик бошқаришнинг зарурый асосига эга бўлган қарорларни тайёрлашга имкон берувчи аналитик жароёнларни ташкил этиш ва ўтказишдан иборот
Молиявий таҳлил субъектлари	Subjects of financial analysis	Субъекты финансового анализа	таҳлилнинг кимлар томонидан ўтказилиши. Ички молиявий таҳлил субъектларига шу корхонанинг ходимлар таркибида турувчи хизматчилар, ташки таҳлил субъектларига (таъсисчилар, солик органлари ходимлари, аудиторлар, юқори ташкилот ва вазирликлар, ҳаридор ва буюртмачилар, мол етказиб берувчилар, сұғурта агентликлари, реклама агентлари, банк ходимлари ва бошқа шахслар) кириши мумкин
Таҳлил субъектлари нининг манфаатлари -	Interests of analysis subjects	Интересы субъектов анализа	деганда уларнинг таҳлил ўтказишида назарда тутиладиган қизиқишилари тушунилади. Масалан; мулк эгалари ва таъсисчилар-кўпроқ фирма ва компанияларнинг фойдаси билан, кредит инспекторлари ва банк ходимлари-фирма ва компанияларнинг кредитга лаёқатлиги ва молиявий барқарорлиги билан, мол етказиб берувчилар ва ҳаридорлар - хўжалик субъектининг тўлов лаёқатини ўрганишдан, таҳлил этишдан манфаатдорлар ва.х.к
Молиявий ҳисбот	Financial statement	Финансовая отчетность	фойдаланувчиларнинг кенг доирасининг ахборотларга бўлган талабларини қондириш учун

			тўзилади ва вақти вақти билан тақдим этиладиган манбларни ўз ичига олди Молиявий ҳисбботлар ва уларга бериладиган изоҳлар, мўлжаллар ва тушунтиришлар молиявий ҳисбботни таркибий қисми ҳисобланади
Молиявий ҳисбботлар	Financial statements	Финансовые отчеты	молиявий ҳисбботнинг алоҳида таркибий қисми бўлиб БҲМС асосида тўзилади ва уларга берилган изоҳлар, қўшимчалар, маълумотномалар билан тўлдирилади
Молиявий ҳисбботларни и мақсади	Goal of financial statements	Цель финансовых отчетов	алоҳида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти молиявий ҳолати, натижалари ва пул оқимлари тўғрисида ахборот фойдаланувчиларининг эркин иқтисодий қарорлари юзасидан моливий аҳвол ва унинг кутилиши юзасидан маълумотлар базаси билан таъминлашдан иборатdir
Моливий ҳисббот ахборотлиги деганда	The information of financial statement	Информация финансовой отчетности	инвестиция қарорларини қабул этиш, кредит ва қарз маблағларини жалб этиш, хўжалик субъектининг бўлғуси пул оқимига баҳо бериш, хўжалик субъектининг тасарруфида бўлган ресурслардан фойдаланиш ҳолатига ва уларнинг мажбуриятларнинг қоплаш юзасидан жойлаштирилишига, яқин келажакдаги кутилишига баҳо бериш, хўжалик субъектининг бошқарув аппарати ишининг натижавийлига баҳо беришнинг ахборотларини мазмунли акс эктирилиши тушунилади
Молиявий ҳисбботларни и “ўкиш”	“Reading” financial statements	Чтение финансовых отчетов	деганда молиявий ҳисбботни манзилли ўрганиш ва тавсифлаш тартиби тушунилади
Горизонтал таҳлил	Horizontal analysis	Горизонтальный анализ	молиявий ҳисббот элементлари ва ва уларнинг моддаларини мутлақ ва нисбий фарқлаш асосида ўрганиш усулидир
Вертикаль таҳлил	Vertical analysis	Вертикальный анализ	маблағлар ва уларнинг ташкил топиши манбаларини, даромад ва ҳаражатларни, моливий ҳисбботларнинг бошқа элементларини таркибий (жамида тўтган улуши бўйича) ўрганиш усулидир
Тренд таҳлили	Trend analysis	Трендовый анализ	асос кўрсаткичига нисбатан динамик ўрганиш усулидир
Қиёсий таҳлил (таққослама) таҳлил	Comparative analysis	Сравнительный анализ	бир ҳисббот даври маълумотларини бошқа ҳисббот даврининг маълумотлари билан, шунингдек бошқа субъектлар маълумотлари, норматив меёrlар, ўртacha кўрсаткичлар ва бошқа кўрсаткичларга нисбатан ўрганиш усули
Молиявий	Financial	Финансовые	таҳлили-бир ёки бир нечта молиявий ҳисбботлар

коэффицент лар	ratios	коэффициен ты	элементлари ва моддаларини ўзаро нисбатлаш асосида аниқланадиган кўрсаткичлар асосида баҳолаш усулидир
Омилли таҳлил	Factor analysis	Факторный анализ	натижавий кўрсаткичга таъсир этувчи бирликларни ва ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлган бирликларда аниқлаш усулидир
Электрон ҳисобот	E-report	Электронная отчетность	барча турдаги ҳисботларни (бухгалтерия, солик, статистика) электрон шаклда тўзиш ва жўнатишнинг замонавий шакли
Ўзбек	Инглиз	Рус	Мазмуни
Баланс	Balance	Баланс	атамаси лотинча bis икки марта, banx - тарози палласи сўзларидан таркиб топган бўлиб, торозининг иккала палласи деган маънени англатади. У тенглик, мувозанат тушунчаси сифатида ишлатилади.
Бухгалтерия баланси	Balance sheet	Бухгалтерск их баланс	корхона молиявий аҳволи ҳақида ахборот берувчи энг муҳим ҳисбот шакли бўлиб маълум санага корхонанинг активлари, капитали ва мажбуриятлар ҳолатини ифодалайди
Ташкил топиш баланси	Foundation balance	Первоначаль ный баланс	Корхонанинг ташкил топиш вақтида тўзиладиган баланс. Ушбу баланс кириш баланси ҳам деб юритилади
Жорий баланслар	Current balance	Текущий баланс	Корхонанинг узлуксиз фаолияти давомида қонунда белгиланган муддатларда тўзиладиган баланс
Тугатиш баланси	Exit balance	Ликвидацио нный баланс	корхона тугатилганда тўзиладиган баланс
Бўлиш баланси	Dividing balance	Разделитель ный баланс	йирик корхона бир неча майда корхоналарга бўлиниш вақтида тўзиладиган баланс.
Бирлаштири ш баланси	Joining balance	Присоедине нный баланс	бир неча корхоналар бир корхонага бирлашганда тўзиладиган баланс
Бир марталик баланс	A once-time balance	Разовый баланс	битта корхона бўйича жорий ҳисоб асосида тўзиладиган баланс
Йиғма баланс	Summary balance	Сводной баланс	бир марталик баланслар асосида тўзилади ва бирлашмалар (вазирликлар, қўмита ва бошқармалар ва шу кабилар)нинг хўжалик маблағларини акс эттиради
Мустақил баланс	Independent balance	Независимы й баланс	юридик шахс мқомига эга бўлган барча корхоналар томонидан тўзиладиган баланс
Алоҳида баланс	Particular balance	Особый баланс	корхонанинг таркибий бўлинмалари (филиаллар, бўлимлар, шўба ва қарам хўжаликлар ва шу кабилар) томонидан тўзиладиган баланс шакли
Брутто баланс	Brutto balance	Брутто баланс	тартибга солувчи моддаларни ўз ичига олувчи баланс
Нетто	Netto	Нетто	баланснинг умумий қийматидан тартибга солувчи

баланс	balance	баланс	моддалар суммаси чегириб аниқланадиган баланс
Ташқи қарз	External payable	Внешний долг	банк кредитлари ва қарзларини, олинган аванс тўловларини, кредиторлик мажбуриятларининг мол етказиб берувчиларга бўлган қисмини ўз ичига олади
Ички қарз	Internal payable	Внутренний долг	корхонанинг меҳнат ҳақидан, соликлар, тўловлар ва йигимлар бўйича қарзидан, жалб қилинган қарз маблағлари юзасидан фоизлар, акционерларга элон қилинган дивидендлар бўйича мажбуриятлардан иборат бўлади
Активлар	Assets	Активы	субъект нозоарт қиласидан, келгусида улардан даромад олиш мақсадида аввалги фаолият натижасида олинган иқтисодий ресурслардир
Мажбуриятлар	Liabilities	Обязательства	қарздорнинг кредитор фойдасига муайян ишни амалга ошириш, масалан мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, пул тўлаш ва бошқа мажбуриятларидир ёхуд муайян хатти ҳаракатдан тийилиб туриш мажбуриятидир
Хусусий капитал	Equity capital	Собственный капитал	корхонанинг устав капитали, кўшилган капитал, резерв капитали ва тақсимланмаган фойдасидан иборат ўз сармояси
Бухгалтерия балансини горизонтал таҳлили	Horizontal analysis of balance sheet	Горизонтальный анализ бухгалтерского баланса	деганда бухгалтерия баланси элементлари ва моддаларини, кўрсаткичлар тизимини мутлақ ва нисбий ифодаларда, ҳисобот даври бошига ёки ўтган йилга нисбатан қиёсий ўрганишга айтилади
Бухгалтерия балансини вертикаль таҳлили	Vertical analysis of balance sheet	Вертикальный анализ бухгалтерского анализа	деганда - бухгалтерия баланси элементлари ва моддаларини, кўрсаткичлар тизимини мутлақ ва нисбий ифодаларда таркибий ўрганишга айтилади
Бухгалтерия балансини тренд таҳлили	Trend analysis of balance sheet	Трендовый анализ бухгалтерского баланса	бухгалтерия баланси элементлари ва моддаларини, кўрсаткичлар тизимини базис йили ёки асос йили билан таққослаш усулидир
Лизинг	Lease	Лизинг	молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради
Лизинг объектлари	Leasing objects	Объекты лизинга	тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилайдиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан корхоналар, мулкий комплекслар,

			бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа күчар ва күчмас мулк. Ер участкалари ва бошқа табиий объектлар, шунингдек муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин эмас
Лизинг субектлари	Leasing subjects	Скъекты лизинга	лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчи лизинг субъектлариdir.
Лизинг берувчи	Leaser	Лизингодаттель	лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига келгусида топшириш мақсадида лизинг обьектини мулк қилиб олувчи шахс лизинг берувчи деб эътироф этилади
Лизинг олувчи	Leaseholder	Лизингопол учатель	эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномаси бўйича лизинг обьектини олаётган шахс лизинг олувчи деб эътироф этилади
Сотувчи	Seller	продавец	лизинг берувчи лизинг обьектини кимдан олаётган бўлса, ушбу шахс сотувчи деб эътироф этилади
Рейтинг баҳолаш	Ranking	Рейтинговая оценка	корхоналарнинг фаолиятини комплекс баҳолашнинг таҳлил этувчи томонидан таркибланган мухим кўрсаткичлар тизимиға таянган ҳолда таққослашни ва уларни даражалар бўйича кетма кетлигини белгилашни, шунингдек этalon сифатида олинган бир неча натижавий кўрсаткичларни таққослаш асосида утказиладиган жараёнлар назарда тутади
Одилона баҳолаш	Fair evaluation	Справедлива я оценка	корхонанинг мулки, ишлаб чиқариш ҳаражатларининг қиймати унинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда бозорнинг таъсиридаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда корхонанинг молиявий ҳолати ва унинг молиявий натижавийлигини қайта баҳолашни изоҳлайди. Ушбу тушунча ҳаққоний баҳолаш, аниқ баҳолаш, қонуний баҳолаш, қоидавий баҳолаш тушунчалари билан бир маънода кўлланилади
Даромадлар	Revenues	даходы	ҳисобот даврида активларнинг кўпайиши ёки мажбуриятларнинг камайишидир
Ҳаражатлар	Expenses	расходы	ҳисобот даврида активларнинг камайиши ёхуд мажбуриятларнинг кўпайишидир.
Молиявий натижа	Financial result	Финансовый результат	хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятининг пировард иқтисодий якунидир.
Маржинал даромад (фойда)	Margin	Маржинанал ьный прибыл	Сотишдан олинган соф тушумдан ўзгарувчан ҳаражатларни чегириш асосида топилади.
Ўзгарувчан	Variable	Переменные	(халқаро амалиёт).-маҳсулот ҳажмининг угаришига

ҳаражатлар	costs	расходы	мувофик узгариб борувчи ҳаражатлардир. Махсулот бирлигини ортиши билан унинг бир бирликка тўғри келадиган қисми ҳам ортиб боради
Ўзгармас (доимий) ҳаражатлар	Fixed costs	Постоянные расходы	(халқаро амалиёт).- маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига мувофиқликда ўзгармай қолувчи ҳаражатлардир. Махсулот ҳажмининг ортиши билан унинг бир бирликка туўғри келадиган қисми камайиб боради.
Махсулот сотишдан соғ фойда	Net income from sale	Чистая прибыль от продажи продукции	маржинал фойда суммасидан ўзгармас (доимий) ҳаражатлар чегириб топилади (халқаро амалиёт).
Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг мақсади	Aim of The statement on financial results	Цель отчета о финансовых результатов	хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобот даври бўйича молиявий фаолиятининг натижасини акс эттириш ва бу фаолиятнинг турли жиҳатларини тушунишга имкон берадиган усулдан иборат бўлади
Махсулотни сотишдан олинган ялпи фойда (ёки зарар)	Value profit (or loss) from sale	Волавая прибыль (убыток) от продажи продукции	сотишдан олинган соғ тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аникланади:
Асосий фаолиятдан кўрилган фойда (ёки зарар)	Profit (or loss) from principal activity	Прибыль (убыток) от основной деятельности	маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр ҳаражатлари ўртасидаги тафовут ҳамда асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ва ҳаражатлар фарқини ўз ичига олади:
Хўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки зарар)	Profit (or loss) from acrivity	Прибыль (убыток) от общехохяйст венной деятельности	асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси ва молиявий фаолиятдан кўрилган натижани ўз ичига олади.
Хўжалик умумий фаолияти деганда	General business acrivity	Общехозяйственный деятельность	хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий фойдаларни мустаҳкамлаш ва ўстиришга қаратилган ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти тушунлади.
Солиқ тўлангунгач а олинган фойда (зарар)	Pretax profit (loss)	Прибыль (убыток) до уплаты налогов	умумхўжалик фаолиятидан олинган натижа ва фавқулодда (кўзда тутилмаган) фойда (зарар) суммасини ўз ичига олади
Йилнинг соғ фойдаси (зарари)	Net profit (loss)	Годовая чистая прибыль	солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида ва эркин тасарруфида қоладиган фойда суммасини ҳарактерлайди.

Сотишдан олинган соф тушум	Net revenue from sale	Чистая вируча от продажи	маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган, ундан қўшилган қиймат, акциз солиғи ва экспорт бож пошлинаси, чегирилган тушум сифатида аниқланади. Унга товарларинг қайтарилиши, ҳаридорлар учун берилган чегирмалар ва бошқалар киритилмайди.
Операцион фаолиятдан даромадлар ва ҳаражатлар	Revenues and expense from operating activity	Даходы и расходы операционной деятельности	асосий фаолиятнинг (маҳсулотларни сотишдан ташқари) бошқа жароёнларидани келадиган даромадалар ва ҳаражатлардир.
Фавқулодда даромад (зарар)		Черезвичайные доходы	деб хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолиятидан аниқ фарқ этадиган, яъни тез-тез ёки мунтазам содир бўлмайдиган воқеалар ёки битимлар натижасида юз берган даромадлар ва ҳаражатларга айтилади.
Тушум ҳаражат-натижа -	Revenue-cost-result	Взаимоотношения доход-расход-результат	Ҳисобот даврида бўлган даромадлар билан ҳаражатларнинг мувофиқлиги шуни англатадики, мазкур даврда ушбу ҳисббот давридаги даромадларни олишга асос бўлган ҳаражатларгина акс эттирилади. Агар даромадлар билан ҳаражатларнинг ўртасида бевосита боғлиқликни ўрнатиш қийин бўлса, ҳаражатлар бирон-бир тақсимлаш тизимиға мувофиқ бир нечта ҳисббот даврлари ўртасида тақсимланади. Бу масалан, бир неча йилга тақсимланадиган амортизация ҳаражатларига тааллуқлидир.
Тақсимланмаган фойда	Undistributed profit	Нераспределенный прибыль	соф фойданинг тақсимланмаган қисми. Корхона очилгандан буён жамгариб борилган фойда суммасини ҳисоб –китоб қилиш орқали тўлиқ очиб берилади.
Банкротлик (иктисодий начорлик)	Bankruptcy	Бонкротства	хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва(ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги
Келишув битими	Agreement	Соглашения	тарафларнинг суд низосини ўзаро ён бериш асосида тугатиш тўғрисидаги битими
Ташқи бошқарув	External management	Внешнее управления	хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини ташқибошқарувчига ўтказган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили

Ташқи бошқарувчи	External manager	Внешний управляющий	номзоди хўжалик судига кредитор, карздор, мулкдор, ваколатли давлат органи томонидан таклиф этишилиши орқали сайланадиган ва корхона бошқаруви учун тўла маъсул бўлган субъект
Қарздор	Debtor	Дебитор	пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга ва(ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор
Рақобат	Rivalry	Конкуренция	хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди
Инсофизиз рақобат	Unfair rivalry	Недобросовестная конкуренция	хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гурухининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонун хужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (ракобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишchanлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлари
Корхонанинг “Ташкил этилиш” даври	“Formation period of enterprise	Создания предприятия	янги товар бозорга тавсия этилади ва унга бозор талаби умуман кузатилмайди ва сотиш даражаси жуда паст бўлади. Мазкур боскичда кўпроқ товар билан танишиувни таъминлаш лозим бўлади
Иқтисодий начорликни аниқлаш моделлари	Models of bankruptcy determination	Модели определения экономических несостоятельности	иқтисодий начорлик, банкротликни баҳолашнинг усувлар мажмуаси. Иқтисодий начорликни аниқлаш моделлари ҳар битта давлатга хос модели бир бирига тўла тўқис мос тушмайди. Буни бевосита шу давлатнинг молиявий шарт шароитлари, инфляция даражаларини, молиялаштириш, кредитлашнинг турличалиги, солик ва бюджет сиёсатин, ҳисоб ва амортизация сиёсати, иш унуми ва самарадорлигининг турличалиги ва бошқа жиҳатлар билан изоҳлаш мумкин
Иқтисодий начорлигини ўрганишда баҳоланувчи	To be evaluated indicators in learning	Оценочные Индикаторы определения экономических	иқтисодий начорликни аниқлашда баҳоланувчи кўрсаткичлар тизими ҳисобланади

индикаторла р	economic bankruptcy	их несостоитель ности	
Иқтисодий ночор деб эълон қилинган корхоналарг а нисбатан қўлланилади ган тадбирлар	Procedures to be used in bankruptcy entities	Процедуры при состояние экономическ их несостоитель ности	ночорликни олдини олиш ва тугатиш юзасидан белгиланадиган чора тадбирлар. Одатда уларнинг санациялаш (молиявий ёрдам кўрсатиш); фаолият йўналишини ўзгартириш; диверцификация (бир эмас бир неча номенклатурада маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш); ихтиёрий тугатиш; мажбурий тугатиш шакллари қўлланилади
Активлик тушунчаси	Activeness	Активность	ижобий маънодаги сифат таснифга эга бўлган жиҳатларни англатувчи тушунчадир
Иш активлиги	Work activeness	Деловая активность	корхонанинг бозордаги нуфӯзини, обрўсини, шуҳратини, донг тартатишини белгилаб берувчи сифат белгисидир. Корхона иш активлиги дегандан- унинг асосий ва жорий активларини айланувчанлиги, қарзларнинг оқланувчанлиги тушунилади
Корхонанин г асосий капитали	Main capital	Основной капитал предприятий	ишчи капиталини ҳаракатлантирувчи куч, иш унумини ўстиришни ассосий шарти, иқтисодий салоҳиятни ўстиришнинг муҳим дастаги, ҳолати, ҳаракати ва самарадорлиги бўйича молиявий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили деб қаралади
Корхонанин г айланма капитали	Working capital	Оборотный (рабочий) капитал предприятий	доимий ҳаракатдаги ишчи капитал (пул маблағлари, дебиторлик мажбуриятлари ва товар моддий захиралар), жорий активларнинг пулдаги ўлчови
Хусусий капитал	Equity capital	Собственны й капитал	корхонанинг устав, кўшилган, резарв капитални ва тақсимланмаган фойдасидан иборат маблағлар манбаси.
Қарз капитали	Loan	Ссуда	мажбурият сифатида турувчи ва қарзга олинган маблағлар манбаси
Айланиш даври	Circulation period	Срок обращения	активлар, капитал, мажбуриятларнинг бир марта айланишига кетган вакт ўлчови
Айланиш коэффициент и	Turnover ratio	Коэффицент обращения	активлар, капитал ва мажбуриятларнинг (сифат белгиси бўйича) айланишлар сони
Корхона мулкининг умумий айланувчанл иги	Total turnover of property	Обрачиваем ость ильтрумешства предприятий	корхона эгалиги ва тасаррӯфидаги барча активларнинг айланувчанлгини ҳарктерлайди. Ушбу кўрсаткич сотишдан соғ тушумни активлар (мулк)нинг ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида топилади

Жорий активларнинг айланувчанлиги	Current assets turnover	Оборачиваемость текущих активов	корхона жорий активларининг жорий даврдаги айланыш даражасини ҳарактерлайди. Ушбу кўрсаткич сотишдан соф тушумни жорий активларнинг ўртacha йиллик қийматига бўлиш асосида топилади
ТМЗ айланувчанлиги	Inventories turnover	Оборачивемость ТМЗ	корхона томвар моддий захирларининг айланувчанлик даражасини ҳарактерлайди. Сотишдан соф тушумни товар моддий захираларнинг ўртacha йиллик қийматига бўлиш асосида ҳисиб-китоб қилинади
Пул маблағларининг айланувчанлиги-	Money funds turnover	Оборачиваемость денежных средств	пул маблағларининг жорий даврдаги айланувчанлик даражасини ҳарактерлайди. Сотишдан соф тушум пул маблағларини ўртacha қийматига бўлиш асосида топилади
Дебиторлик мажбуриятлари айланувчанлиги	Receivables turnover	Оборачиваемость дебиторских задолженностей	корхонанинг дебиторлик мажбуриятларининг айланувчанлик даражасини ҳарактерлайди ва сотишдан соф тушумни дебиторлик мажбуриятларининг ўртacha қийматига бўлиш асосида топилади
Хусусий капитал айланувчанлиги	Equity capital turnover	Оборачиваемость собственных оборотных средств	уз сармоясининг айланувчанлигини ҳарактерлайди. Сотишдан соф тушумни хусусий капитал ўртacha қиймати бўлиш асосида топилади
Қарз капитали айланувчанлиги	Loans turnover	Оборачиваемость ссудных капиталов	қарзга олинган маблағларининг айланувчанлик даражасини ҳарактерлайди. Махсулот сотишдан соф тушумни қарз , мажбуриятларни ўртacha қийматига бўлиш асосида топилади
Ишлаб чиқариш ва молиявий цикл	Production and financial cycle	Производственный и финансовый циклы	Ишлаб чиқариш циклида-захиралар ва дебиторлик мажбуриятларининг айланыш даврийлиги баҳоланса, молиявий циклда ишлаб чиқариш циклининг айланыш даврийлиги билан кредиторлик мажбуриятларининг айланыш даврийлигини ўзаро фарқланиши баҳоланади.
Бозор активлиги	Market activeness	Рыночная активность	корхонанинг бозордаги жозибадорлигини ҳарактерлайди. Бозордаги жозибадорликка одатда икки хил қарашар мавжуд. Яъни кенг манодаги ва тор манодаги. Кенг манода жозибадорлик корхонага инвесторлар, мол етказиб берувчилар, рақобатчилар, ҳаридор ва буюртмачиларни корхонага бўлган ишончини ифода этса тор манода корхона қимматли кағозларинининг биржада ёки бозордаги нуфӯзини ифодалайди
Кредит	Credit	Кредит	(лат. creditum-қарз)1) кирим-чиқим дафтариининг

			чиқимлари; 2) қарзга мол бериш, шунингдек, қарзга бериладиган мол, пул; 3) маълум харажатлар учун чиқариладиган пул, маблағ; Давлат К.- давлатнинг заём облигациялари чиқариш йўли билан қарз олиши. Банк, суғурта уюшмалари ва аҳолининг барча табақалари кредитор бўлишлари мумкин. Банк К.- пул ссудаси кўринишидан юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган қарз. Тижорат К.- бир тадбиркорнинг иккинчисига маҳсулотнинг пулинни кейин тўлаш шарти билан сотиш. Халқаро К.- давлатлар ўртасида қарз олиш, қарз бериш муносабатлари.
Аванс - бунак	Advance	Аванс	Бирор иш эвазига кейинчалик ҳисоб-китоб қилиш шарти билан олдиндан бериладиган пул, маҳсулот, озиқ-овқат ва ҳ.к.
Авиזו	Avizo	Авиזו	ҳисоб-китоб операцияси хусусидаги расмий билдириш, мижозларга банк томонидан А. орқали амалга оширилган дебет ва кредит операциялари, ёзувлари, ҳисобдаги қолдиқлар, пул ўтказишлар, чек ёзувлари, аккредитив очиш ва бошқа ёзувлар хусусидаги маълумотларнинг берилиши
Аkkредитив	Accreditive	аккредитив	банк ёки омонот банкларининг бирор шахс ёки ташкилотга маълум миқдордаги маблағни бериш ҳақида бошқа банк ёки кассага юборган буйруқ қоғози, масалан, жамғармалар банкига қўйилган пулни исталган омонат банкидан олиш учун берилган хужжат
Асосий капитал	Capital	Основной капитал	ишлиб чиқариш жараёнида бир неча йил давомида иштирок этувчи ва ўз қийматини тайёрланаётган маҳсулотга қисман ўтказиб борувчи меҳнат воситалариdir
Айланма капитал	Working capital	Оборотный капитал	хом ашё материаллар, энергетика ресурсларида моддийлашган ва бир ишлиб чиқариш циклида сарфланувчи, ўз қийматини тайёрланган маҳсулотга тўлиқ кўчирувчи капитал
Банк	Bank	Банк	юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш пул маблағларини бир жойга тўпловчи ва узлуксиз айланиб турушини таъминловчи, корхоналарга ва умуман пулга муҳтожларга кредит, ссуда берувчи, томонлар ўртасида тўлов ва бошқа ҳисоб-китоб ишларида воситачилик қилиб турувчи, олтин ва чет эл валютаси билан боғлиқ операцияларни бажарувчи кредит-молия муассаси.Б. пул қўювчиларга маълум фоиз тўлаб, қарз олганлардан юқориrok фоиз ставкасини ундиради ва ана шу

			фоизлар ўртасидаги фарқ банк фойдаси хисобланади.
Банк фоиз ставкаси	Bank interest rate	Ставка банковского процента	банк ссудасидан фойдаланганлик учун белгиланган ҳақ миқдори, қарз суммасига нисбатан фоиз ҳисобида ундирилади. БФС. ўзгарувчан кўрсаткич бўлиб, банк ссудаси қарзга бўлган муҳтоjлиkkка қараб ўзгартирилади. БФС миқдори банк ва мижоз ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланиб, қарзнинг қайси тарзда ва қандай шартларда берилишига боғлиқ
Валюта	Currency	Валюта	мамлакатнинг пул бирлиги ва унинг типи (олтин, кумуш, қоғоз, пул)га тенглаштирилган тўлов воситалари
Валюта курси	Currency course	Курс валют	мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигига ифодаланган баҳоси. В.К. қатъий белгиланган ва ўзгариб турадиган турлари мавжуд
Валюта конвертирулышуви	Currency convertizing	Конвертация валют	унинг бошқа хорижий валюталарга алмашиш қобилияти тушунилади
Гиперинфляция	Hyper inflation	Гиперинфляция	ҳаддан ташқари инфляция, нарх-навонинг шиддат билан ўсиши, пул қадрининг ғоят тез пасайиши, пул топишга интилишнинг минимал даражага келиши билан ифодаланади. Г. шароитида нарх-навони мутлако тартибга солиб бўлмайди
Жаҳон ва валюта тизими	World currency system	Мировая валютная система	жаҳон бозорининг ривожланиши асосида таркиб топган ва давлатлараро битимлар билан мустаҳкамланган халқаро пул-кредит муносабатлари
Жаҳон пули	World money	Мировые деньги	халқаро миқёсида ҳамма учун қўлланилайдиган умумий муомила ва тўлов воситаси, байналминал қиймат ифодаси. М: маълум мазмундаги олтин ёки халқаро миқёсда обрў-эътиборга эга бўлган миллий пул бирлиги
Инфляция	Inflation	Инфляция	муомаладаги қоғоз пуллар миқдорини таклиф қилинган савдога чиқарилган товар нархларнинг йиғиндисидан кўпайиб кетиши; 2) қоғоз пулнинг жуда кўп чиқарилиши натижасида пулнинг қадрсизланиши. Бундай ҳолат хўжалик юритиш борасидаги қийинчиликларни бартараф қилиш даврида, маҳсулот ишлаб чиқариш камайган ҳолларда қўшимча пул чоп этиш натижасида юзага келади
Ипотека	Mortgage	Ипотека	қарз, кредит олиш учун бирор-бир муайян кўчмас мулкни (ер, иморат ва ҳоказо) гаровга қўйиш.
Инвестиция	Investment	Инвестиция	бу барча турдаги миллий ва интелектуал

			бойликлар тушунилиб, улар тадбиркорлик объектларига йўналтирилиб даромад келтириши ёки бирор бир ижодий самарага эришишdir
Реал инвестициялар	Real investments	Реальные инвестиции	(капитал қўйилмалар) – пул маблағларини корхонанинг моддий ва молиявий активларига сарфланишидан иборат
Молиявий инвестициялар	Financial investments	Финансовые инвестиции	бу асосий капиталнинг элементларини сотиб олиш билан боғлиқ бўлиб, кўпчилик ҳолларда инвестицион лойиҳалар доирасида амалга оширилади.
Шахсий инвестициялар	Private investments	Частные инвестиции	бу тадбиркорлар, хусусий фирмалар, концернлар ва акционерлик жамиятлари томонидан тақиқланмаган фаолиятларга сарфланадиган мулкдорлик ва интелектуал бойликларни англатади
Инвестор	Investor	Инвестор	инвестицияларни амалга оширувчи шахс
Инвестиция субъектлари	Investment subjects	Субъекти инвестиции	инвестиция фаолиятида иштирок этувчи мулкий ва интелектуал бойликларга эга бўлган жисмоний, ҳукуқий шахслар ва давлатdir
Инвестициялар тури	Types of investments	Виды инвестиции	институтционал инвесторлар, якка инвесторлар
Институтционал инвесторлар	Institutional investors	Институциональные инвесторы	мутаҳассислар бўлаиб, уларга бегоналарнинг пулини бошқаргани учун ҳақ тўлайдилар
Инвестиция жараёни	Investing process	Процессы инвестиции	-пул таклиф қилувчилар(вактинча бўш маблағларга эга бўлганлар)ни пул талаб қилаётганлар (уларга эҳтиёж сезаётганлар) билан учраштириш механизмидир.
Якка инвесторлар	Individual investors	Индивидуальные инвесторы	ўз молиявий манфаатлари учун шахсий маблағларини тасарруф этадилар

VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Меъёрий-хукуқий хужжатлар.

- 1.** Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
- 2.** Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.
- 3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартағи “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4707-сонли Фармони. www.lex.uz 4.03.2015
- 4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартағи (ПП-2313) “2015-2019 йилларда инженерлик коммуникация ва йўл транспорт инфратузилмасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. www.lex.uz 6.03.2015
- 5.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги (ПП-2298) “2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар бутловчи қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори. www.lex.uz 11.02.2015
- 6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 19 сентябрдаги фармони.
- 7.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтиш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. ПФ-2613-сонли Фармони. www.lex.uz 11.04.2015
- 8.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиззах” маҳсус индустрисал зonasини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони / Халқ сўзи, 2013 йил, 19 март
- 9.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ангрен” маҳсус индустрисал зonasини барпо этиш тўғрисида”ги Фармони. Халқ сўзи, 2012 йил, 14 апрель
- 10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чукурлаштириш бўйича 2011 – 2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. 2011 йил 29 июль

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи, 2010 йил 15 декабр.

12. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. “Ўзбекистон”. 2010

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги Қарори. 2010 йил, 23 март

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-кувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 2008 йил, 2 декабр

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 2008 йил, 19 ноябр

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустрисал-иктисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 2008 йил, 4 декабр

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар Стратегияси тўғрисида”ги 07.02.2017 йил. №ПФ-4947-сонли Фармони. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017 йил 16 февралдаги № 4958-сонли Фармони.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги № 2909 -сонли Қарори.

20. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг “Олий таълим вазирлигининг «Янги ўқув услубий мажмуаларни тайёrlаш бўйича услубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисида»ги 2017 йил 1 мартааги №107-сонли буйруғи.

21. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг “Олий таълим вазирлигининг «Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 13 мартағи №138-сонли буйруғи.

22. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир // Халқ сўзи. 2016 йил 2 ноябрь.

23. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи 8 декабрь 2016 йил. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағищланган тантанали маросимидағи маърузаси.

24. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак // Халқ сўзи 15 январ 2017 йил. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси.

II. Маҳсус адабиётлар.

1. European Commission (2015). Innovation Union Scoreboard 2015.
2. Petrariu, I.R, Bumbac, R., Ciobanu, R. (2013). Innovation: a path to competitiveness and economic growth. The case of CEE countries, Theoretical and Applied Economics, Vol. XX, No. 5 (582).
3. Gordon Conway, Jeff Waage, Sara Delaney. “Science and Innovation for Development”. © 2010 UK Collaborative on Development Sciences (UKCDS). 382. www.bcpbookshop.co.uk.
4. Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. 155. info@idrc.ca/www.idrc.ca.
5. Edward B. Roberts, Fiona Murray and J. Daniel Kim(2015). Entrepreneurship and Innovation at MIT, Continuing Global Growth and Impact. MIT Sloan School of Management
6. Tay Vaughan., Multimedia: Making it Work. USA, 2016, English.
7. Martin Weale, Andrew Blake, Nicos Christodoulakis, James E Made, David Vines., Macroeconomic Policy. UK, 2015, English.

8. Keith S. Taber., Modelling Learners and Learning in Science Education: Developing Representations of Concepts, Conceptual Structure and Conceptual Change to Inform Teaching and Research. Springer., UK, 2013, English.
9. Andrew P. Sage, William B. Rouse., Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises. USA, 2011, English.
10. Dimitrios Asteriou, Stephen G. Hall., Applied econometrics (second edition). USA, 2011, English.
11. Adam Szirmai , Wim Naude , Micheline Goedhuys., Entrepreneurship, Innovation and Economic Development. UK, 2011, English.
12. Акрамова Ш. Билимларга асосланган иқтисодиётда олий таълимнинг ўрни. Население Узбекистана: состояние, проблемы и перспективы: Монография / Под.ред. академика Р, Убайдуллаевой. - Т.: 2012. С.207
13. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози, модернизациялаш ва янада ривожлантириш тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш. Т.: KONSAUDITINFORM – NASHR. 2011
14. Конвенция, учреждаюшая Всемирную организацию интеллектуальной собственности [ВОИС];
15. Парижская Конвенция по охране промышленной собственности;
16. Бернская конвенция об охране литературных и художественных произведений;
17. Международная конвенция по охране новых сортов растений [UPOV];
18. Договор о законах по товарным знакам (TLT);
19. Договор о патентном праве (PLT);
20. Договор о патентной кооперации [PCT];
21. Будапештский договор о международном признании депонирования микроорганизмов для це-лей патентной процедуры;
22. Протокол к Мадридскому Соглашению о международной регистрации знаков;
23. Ниццкое соглашение о Международной классификации товаров и услуг для регистрации зна-ков;
24. Страсбургское соглашение о Международной патентной классификации;

III. Интернет ресурслар

1. www.economy.gov.ru
2. www.aza.uz
3. www.uzland.uz
4. www.stability.uz
5. www.wikipedia.org/
6. Corresponding author: maryann.feldman@unc.edu, University of North Carolina, Chapel Hill, NC 27514;
7. University of North Carolina, Chapel Hill (thadji01@email.unc.edu); ^ London School of Economics (t.e.kemeny@lse.ac.uk);
8. University of North Carolina, Chapel Hill (llanahan@email.unc.edu)